



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Postda Ha nocty

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

2023-yil

5-oktabr

payshanba

№ 40 (4630)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

KO'RIK-TANLOV

Andijon shahrida o'tkazilgan «Eng yaxshi ekspert-kriminalist» va «Eng namunali ekspert-kriminalistika jamoasi» respublika ko'rik-tanlovi yakuniga yetdi. Tanlovda hududiy saralashdan o'tgan 32 nafar ekspert-kriminalist «eng yaxshi» e'tirofiga sazovor bo'lish uchun bellashdi.



2



DALILLARNI «GAPIRTIRGAN» KRIMINALISTLAR



Yuksak mukofot sohiblari

SODIQLIK SAODATI

Ichki ishlar organi xodimi bo'lish orzusi yosh Xayrullaning ko'nglida o'quvchilik yillaridayoq uyg'ongandi. Qishloq bolasi emasi, to'ylarda kurash tushib, jismoniy chiniqdi. 1991-yili Qamashi tumanidagi 47-o'rta umumta'lim maktabini tugatgandan so'ng harbiy xizmatga otlandi. Armiya u uchun tom ma'noda hayot maktabi bo'ldi.

Harbiy xizmatdan qaytgan Xayrulla orzusini amalga oshirish uchun ichki ishlar organiga hujjat topshirdi. Sinovlardan muvaffaqiyatli o'tib, qo'riqlash xizmatiga qabul qilindi. Ustozlari – hozirda iste'fodagi mayor Vahob Mardonov va iste'fodagi podpolkovnik Husan Ochilovdan kasb sirlarini o'rgandi. Xizmat vazifasiga mas'uliyat bilan yondashishi, berilgan topshiriqlarni bekam-ko'st bajarishi ortidan rahbariyatning ishonchini, hamkasblarining hurmatini qozondi.

Qo'riqlash xizmatidagi o'n yillik faoliyatdan keyin katta serjant Xayrulla Qodirov viloyat IIB YHXBda yo'l-patrol xizmati inspektori vazifasida ishlab, yo'llarda harakatlanish xavfsizligini ta'minlashga munosib hissa qo'shdi.

Oradan ikki yil o'tgach, ya'ni, 2008-yildan boshlab viloyat IIB JXX JTSB patrul-post batalyonida 2-otryad



bo'linma komandirining o'rinbosari lavozimida faoliyatini davom ettirdi.

O'tgan yillar davomida undagi kasbga bo'lgan sadoqat, mas'uliyat va fidoyilik xislatlari yanada sayqallashib, yoshlarga kasb sirlarini o'rgatishga zamin yaratdi. Bugungi kunda PPX batalyoni 1-otryad safdor xodimlari – safdorlar Shoxruh Berdiyev, Abbos Rasulov uni ustoz deya e'zozlashadi.

Vohada jinoyatchilikning oldini olish, ro'y berganlarini izlar bosilmay fosh etish, qonunbuzarlarga qarshi kurashish borasida ham qahramoni-

mizning xizmat davomida orttirgan boy tajribasi qo'l kelmoqda. U jinoyatchilarni ushlab bo'yicha o'tkazilgan tadbirlarda faol qatnashish bilan birga, shaxsan o'zi qator jinoyatlarni fosh etmoqda.

Hozirgi vaqtda katta serjant Xayrulla Qodirov 2-otryad bo'linma komandiri sifatida shaxsiy tarkibning kasbiy, jismoniy-jangovar tayyorgarligini oshirishga doimiy e'tibor qaratib kelmoqda, – deydi batalyon komandirining tarbiyaviy ishlar bo'yicha o'rinbosari, kapitan Shoxruh Rasulov.

– Batalyonda ustoz-murabbiylik an'anasi rivojiga ham katta hissa qo'shmoqda.

Qariyb chorak asrdan buyon ichki ishlar organlarida samarali xizmat qilib kelayotgan soha fidoyisi Xayrulla Qodirov namunali oila sohibi ham. Turmush o'rtog'i Sojida Xolmurodova bilan bilan 4 nafar farzandni tarbiyalashmoqda.

Vatanimiz mustaqilligining 32 yilligi munosabati bilan katta serjant Xayrulla Qodirov Vatan tinchligi, el osoyishtaligini ta'minlash, jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklarning oldini olish, jinoyatchilikka qarshi kurashish borasidagi fidokorona xizmatlari uchun Prezident Farmoniga binoan, «Sodiq xizmatlari uchun» medali bilan taqdirlandi.

Bu mukofot nafaqat menga, balki barcha hamkasblarim xizmatiga muhtaram Prezidentimiz, hukumatimizning katta rag'batidir, – deydi katta serjant Xayrulla Qodirov. – Bu zimmamizga yuklangan topshiriqlarni bekamu ko'st uddalab, Vatan tinchligi, el osoyishtaligini mustahkamlash, fuqarolar xavfsizligini ta'minlash mas'uliyatini yanada oshirdi. Shu bois bilim va tajribamni yanada boyitib, xizmatni astoydil davom ettiraman.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.

Ko'rik-tanlov

DALILLARNI «GAPIRTIRGAN» KRIMINALISTLAR

(Davomi. Boshlanishi 1-betda.)

– Jazo isbot-dalilga asoslanishi lozim, bu kriminalistlar zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi, – deydi IIV Ekspert-kriminalistika bosh markazi boshlig'i, polkovnik Saydolim Nuriddinov. – Shu boisdan ekspert-kriminalistlarning yuqori malaka va tajribaga ega bo'lishi muhim ahamiyat kasb etadi. Ko'rik-tanlovning asl maqsadi ham shu: kasbiy tayyorgarlik sifatini yaxshilash, yaxshilar orasidan eng yaxshilarini aniqlash va ularni qo'llab-quvvatlashdan iborat.

Ko'rik-tanlovning birinchi shartida ishtirokchilar kriminalistika mavzusiga oid diktant yozishdi. So'ngra ishtirokchilar qur'a tashlashda ishtirok etib, unda nazariy va amaliy topshiriqlardan tuzilgan maxsus sinovlar ketma-ketligi aniqlab olindi.

Tanlov yakuniga ko'ra, IIV Transport va turizm obyektlarida xavfsizlikni ta'minlash departamenti Kriminalistika bo'limi katta ekspert-kriminalisti, **katta leytenant Ikromjon Yo'ldoshev «Eng yaxshi ekspert-kriminalist»** nominatsiyasi bo'yicha g'olib deb topildi. **Ikkinchi o'rin** Farg'ona viloyati IIB EKM bosh eksperti, **podpolkovnik Nodirbek Abdunazarov** va Namangan viloyati IIB EKM katta eksperti, **podpolkovnik Muzaffar Mirzaabdullayevga** nasib etdi. Qoraqalpog'iston Respublikasi IIV EKM bosh eksperti, **podpolkovnik Rashid Shonkakov**, Buxoro viloyati IIB EKM katta eksperti, **podpolkovnik Bunyod Hamroyev**, Sirdaryo viloyati IIB EKM katta eksperti, **mayor Zafar Arziqulov uchinchi o'rin** sohibi bo'ldi.

Andijon viloyati IIB EKM ekspert-kriminalistlari «Eng namunali ekspert-kriminalistika jamoasi» nominatsiyasi g'olibi deb topildi.

Tanlov ishtirokchilari belgilangan vazifalarni muvaffaqiyatli uddalab, bor bilim va kasbiy mahoratini namoyon etishdi, – deydi hay'at a'zosi, ekspert-kriminalistika xizmati faxriysi, iste'fodagi podpolkovnik P. Kolmikov. – Yigitlar zamonaviy apparat va texnikalar bilan ishlashni yaxshi bajarishdi.

G'alabaga erishish oson bo'lmadi, – deydi «Eng yaxshi ekspert-kriminalist» nominatsiyasi sovindori, katta leytenant Ikromjon Yo'ldoshev. – Murakkab savollar ko'p bo'ldi, lekin barcha shartlardan muvaffaqiyatli o'tdim. Bundan juda xursandman.

Boris KLEYMAN,
o'z muxbirimiz.



YURSAM DEYMAN SHU TABARRUK IZINGIZDAN, USTOZLAR!

O'zbekiston xalq yozuvchisi, bolalar shoiri Po'lat Mo'min qalamiga mansub ushbu misrada har bir inson hayotida, uning jamiyatda tutgan o'rnida ustozning naqadar muhim ahamiyat kasb etuvchi zot ekanligi bor bo'y-basti bilan ko'rsatib berilgan.



Darhaqiqat, ichki ishlar organlari tizimida ham uzoq yillar davomida beminnat xizmat qilib, yosh xodimlarni ona Vatanga mehr-muhabbat, xizmat burchiga sadoqat ruhida tarbiyalashga munosib hissa qo'shgan ustoz-murabbiylar ko'pchilikni tashkil etadi. Hozirgi kunda faxriylarimiz jamiyatning turli jabhalarida, davlat idoralari va tashkilotlarida mas'ul lavozimlarda faoliyat yuritib kelmoqda. Jumladan, ularning 124 nafari mahalla fuqarolar yig'ini raisi sifatida xalqimizga sidqidildan xizmat qilayotir.

Yaqinda O'qituvchi va murabbiylar kuni munosabati bilan IIV «Jar»

sport-sog'lomlashtirish majmuasida faxriylar ishtirokida bo'lib o'tgan bayram tadbirida kasb fidoyilarini Ichki ishlar vaziri, general-leytenant Po'lat Bobojonov qutlab, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarni hayotga izchillik bilan tatbiq etish borasidagi samarali xizmatlari, yosh avlodni vatanparvarlik, istiqloq g'oyalariga sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlariga hurmat ruhida tarbiyalash ishiga munosib hissa qo'shgani uchun faxriylarning bir guruhiga ko'krak nishonlari, faxriy yorliq va esdalik qo'l soatlarini topshirdi.

O'z muxbirimiz.



Yuksak mukofot sohiblari

MARDNING ISHI – MEHNATDA

Surxondaryo viloyati IIB Shimoliy-mintaqaviy hududi saf bo'linmalari patrul-post xizmati otryad bo'linma komandiri, katta serjant Mahmudjon Boborahmatov o'z vazifasini risoladagiday bajarishga intiladigan fidoyi xodimlardan biri. U, 17 yildirki, shu sohada mehnat qilib, aholi osoyishtaligini ta'minlashda, huquqbuzarlik va jinoyatlarning oldini olishda jonbozlik ko'rsatib kelmoqda.

M.Boborahmatov bo'linma komandiri sifatida qo'l ostidagi xodimlarning jangovar tayyorgarligiga alohida e'tibor qaratgan holda,

xizmat jarayonida ularga o'rnak ko'rsatadi. Chunki kimnidir himoya qilishga otlangan kishi har tomonlama sog'lom va baquvvat bo'lishi, shu bilan birga, kutilmagan vaziyatlarda to'g'ri qaror qabul qilib, oqilona harakatlana olishi lozim, deb hisoblaydi u.

– Inson hayotining bezagi – uning mehnatsevarligi. Buni xodimlarga ko'p uqtiraman. Qolaversa, ularni qiynayotgan muammolarni o'rganishga, ular bilan hamfikir bo'lishga intilaman. Negaki, oilasi tinch bo'lmagan xodimning ishida na halovati bo'ladi, na hushyorligini saqlay oladi, – deydi katta serjant Mahmudjon Boborahmatov. – O'z kasbimni esa barcha



mashaqqatlariga qaramay, yaxshi ko'raman.

Uch nafar farzandning otasi bo'lmish qahramonimizning kelajakdan umidlari katta. U o'g'lonlarining

o'zidek Vatanga suyanchiq bo'ladigan insonlar bo'lib yetishishini istaydi.

Lavhamiz qahramoni xizmat jarayonida ko'plab o'g'irlik jinoyatlarini fosh etishda jonbozlik ko'rsatgan. O'z ishining ustasi bo'lgan Mahmudjon akani jamoada barcha hurmat qiladi, tajribali xodim sifatida undan maslahat so'rashdan erinmaydi.

Katta serjant M. Boborahmatov fidokorona xizmatlari uchun viloyat IIB rahbariyati tomonidan bir necha bor tashakkurnoma va faxriy yorliqlar bilan mukofotlangan. Mustaqillik bayrami arafasida esa «Sodiq xizmatlari uchun» medali bilan taqdirlandi.

Bu mukofot M.Boborahmatovning hamkasblari, oila a'zolari bilan birgalikda 73 yoshni qarshilagan onasi – Xosiyat ayani ham birdek quvontirdi.

– Medalni olib, onamga ko'rsatganimda ko'zlariga yosh olib, duo qildilar. Vaholanki, men xizmat faoliyatimda, shaxsiy hayotimdagi yutuqlarning hammasiga onamning duolari bilan erishganman, – deydi qahramonimiz.

Ha, ona duosini olgan er yigitning el orasidayam hurmati baland, rizqi butun bo'ladi. Bunday odam hech qachon kam bo'lmaydi, hayotda qoqilmaydi.

Feruza RAHMONQULOVA,
o'z muxbirimiz.
Surxondaryo viloyati.

★ Безопасный туризм

ЛЮБИТЕЛИ ПУТЕШЕСТВИЙ НЕ ОСТАНУТСЯ В БЕДЕ

Гражданка Шри-Ланки, Надараса Сармила, недавно приехавшая в Ташкент, решила добраться на такси до гостиницы. Приехав в пункт назначения, женщина по неосторожности забыла сумочку в салоне машины.


На следующий день, заметив, что сумочка пропала, она сообщила об этом по короткому номеру 1173 в Управление безопасного туризма МВД Республики Узбекистан. В результате своевременных действий сотрудников Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД города Ташкента Надараса Сармила была передана сумочка со всем содержимым. Женщина была безмерно благодарна за найденные вещи – документы, крупную сумму денег и лекарства.

Таких случаев потери личных вещей иностранцами немало. Но, благодаря слаженной работе сотрудников, все утраченное быстро возвращается владельцам.

Кувондик Курбанбоев родился в Шаватском районе Хорезмской области. С детства увлекался изучением иностранных языков, владеет русским и английским языками. Окончив факультет экономики Ургенчского государственного университета, рабочую деятельность начал в 2013 году ведущим специалистом

отдела инвестиций и строительства Главного управления экономики Хорезмской области. Работал главным специалистом Департамента развития туризма хокимията Хорезмской области. В 2018 году сбылась его давняя мечта – он начал службу в должности начальника канцелярии Управления по обеспечению безопасного туризма УВД Хорезмской области, далее – инспектором по особо важным делам. Свою деятельность в органах внутренних дел он продолжил в должности старшего инспектора отдела международного сотрудничества Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД города Ташкента, сейчас служит инспектором по особо важным делам.

– Ежедневно проводится анализ ситуации, связанный с иностранными и местными туристами в Ташкенте, – говорит капитан Кувондик Курбанбоев. – В частности, анализ обращений туристов. За этот год поступило 3 694 обращения, каждое из



которых решено положительно. Кроме того, на основе поступивших обращений и предложений от туристов ставятся задачи по развитию туристической сферы в столице, проведению совместных мероприятий в сотрудничестве с партнерскими организациями.

Исходя из опыта зарубежных стран с развитой туристической инфраструктурой, в целях дальнейшего повышения туристического потенциала, для обеспечения безопасного пребывания туристов капитан Кувондик Курбанбоев подготовил специальное предложение по улучшению качества оказываемых услуг в туристической инфраструктуре города.

Предложение включает создание специальных площадок, палаток и передвижных киосков с целью оказания помощи в здравоохранении и обеспечения безопасности хранения имущества туристов, а также для создания дополнительных удобств – подключения их к мобильной связи и интернету, обмена валюты, оказания экстренной медицинской помощи при травмах, а также для размещения и временного хранения личных вещей, билетов (музейных, авиа и ж/д) и создания всех удобств во время пребывания.

**Мардона
БАХТИЯРОВА.**

▶ БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ

«УЖИН» КЎНГИЛДАГИДЕК БЎЛДИ, БИРОҚ...

Нозим (исми ўзгартирилди) кун тунга офганида маҳсулотларни дўконларга етказиб бўлгач, қорни очганини сезди. Уйига етиб олиш учун салкам бир соат йўл босиш керак. Шу боис кўча муюлишидаги ошхонага кирди. Кабоб буюртма қилаётиб, хаёлидан «Чарчоқ чикдига 50 грамм бўлса йўқ демасдим-да», деган ўй ўтди. Буни қарангки, хаёли билан кўзи бир хил «ишлади». Шундоқ рўпарадаги спиртли ичимликлар дўконига кўзи тушди...

Хуллас, Нозим «ужин»-ни кўнгилдагидек қилиб, уйига отланди. Тунги соат тахминан 00:55ларда Самарқанд шаҳри Чўлпон кўчасида хизмат олиб бораётган вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ саф бўлинмалари йўл-патруль хизмати батальони 2-отряди 1-сафарбар гуруҳи ЙПХ катта инспектори, катта сержант Акрам Норбоев Нозим бошқарувидаги «Дамас» автомобилни тўхтатди. Инспектор ҳайдовчининг оғзидан спиртли ичимлик

ҳиди анқиб тургани сабабли уни алкотестор орқали текширувдан ўтказди. Спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириб, машина жарима майдончасига жойлаштирилди.

Нозим эртаси куни катта сержант Акрам Норбоевни қидириб топди ва ундан «иш»ни ижобий ҳал қилиб беришини сўради. Бу «хизмати» эвазига 5 миллион сўм беришини айтди. ЙПХ ходими Нозимга бу



ҳаракати ноқонунийлигини қайта-қайта тушунтирди. Аммо фойдаси бўлмади.

...ИИБ ШХББ вилоят бўйича бошқармаси ва шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида ўтка-

зилган тезкор тадбирда Нозим ЙПХ инспекторига пора бераётган вақтида ушланди. Ҳозир ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Катта сержант Акрам Норбоев ўн тўрт йилдан буён ички ишлар органларида хизмат олиб боради. У ўз касбига меҳр қўйган, зиммасидаги вазифаларни тўқис бажариб келаётган фидойи ходимлардан.

– Юртдошларимиз йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишса, турли кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлмайди, – дейди қахрамонимиз. – Спиртли ичимлик истеъмол қилиб, рулга ўтирган ҳайдовчи йўлдаги энг хавфли «фигура». Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз эса ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш. Фуқаролардан йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида белгиланган меъёрларга риоя қилишларини сўраб қолган бўлардим. Шунда айбни яшириш учун жиноятга қўл уришга ҳолат қолмайди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
ўз мухбиримиз.**
Самарқанд вилояти.



Қўшқанотлар



УЛАРНИНГ САОДАТ ҚЎРҒОНИДА...

Жиззах шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлигининг ўринбосари, капитан Бобомурод Эркинов билими, ўз ишига масъулият билан ёндашиши ҳамда инсоний фазилатлари билан шахсий таркиб ўртасида ҳурмат қозонган. Турмуш ўртоғи Малика Саидова эса Жиззах вилояти ИИБ ЖХХ ҚПБ хотин-қизлар ва ижтимоий масалалар бўлими катта инспектори, капитан. Малика ҳам илғорлар сафида. Уларнинг саодат қўрғонида бир фарзанд улғаймоқда. Вилоят ички ишлар органларида Бобомурод ва Малика каби қўшқанотлар кўпчиликти ташкил қилади.

Ўз мухбиримиз.

Ёшлар – келажак бунёдкори

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

Сирдарё вилоятининг ўғли бўлган Низомжон ИИБ Академиясида ўқиб юрган кезларидаёқ тенгдошларидан ажралиб турарди. Устози, таниқли ҳуқуқшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Алишер Шарафутдиновдан тергов йўналишида кўп нарсаларни ўрганди. У кишига ҳавас қилди ва ҳаётий ҳамда соҳага оид ўғитларини олиб кам бўлмади.

2021 йилда Академияни тамомлаган ва ҳозирда Бектемир тумани ИИОФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси лавозимида хизмат қилаётган катта лейтенант Низомжон Ҳасанов ёш ходим бўлишига қарамасдан соҳада ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар ИИББда «Энг яхши терговчи» анъанавий кўрик-танловининг саралаш босқичида 12 нафар терговчи ва суриштирувчилар орасида фахрли биринчи ўринни қўлга киритгани фикримиз тасдиғидир.



Албатта, бундай натижага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун асосий хизмат вазифасидан ортиб жисмоний тайёргарлик кўриш ва соҳага оид бўлган ҳамда бадиий адабиётларни кўпроқ варақлаш керак бўлади. Қаҳрамонимиз бу борада устозлари ва ҳамкасбларидан билим ҳамда кўникмаларни олди, мақсади сари интилди.

Сарвар СОБИРОВ,
Ўз мухбиримиз.

Тошкент шаҳри.

Фахрийлар – фахримиз

Ички ишлар органлари фахрийси Ҳикматилла Эрматов баъзан кўча-кўйда кетаётганида ёшлар «устоз», дея сўрашса тўлқинланиб кетади. Ҳаёти беҳуда ўтмаганидан қувонади.

Табиатан етакчилик қобилиятга эга Ҳикмат болалик кезлари тенгдошлари ўзаро жанжаллашса, ажратиб қўяр, кимдир кимгадир адолатсизлик қилишига йўл қўймасди. Бу характердаги бола улғайган сари катта бўлса қайси касб соҳиб бўлиши ҳам аниқлашиб борди. У албатта ички ишлар органи ходими бўлишни дилига тукканди. Худди шу орзу билан улғайган Ҳикмат Эрматов 1982 йилда Янгиер шаҳар ИИБга ишга қабул қилинди.

Ёш инспектор устозлари кўмагида бир нечта жиноятни очишда иштирок этди. Айниқса, Янгиер шаҳар автошоҳбекатида ин қурган чўнтакесарларни фош этганини кўпчилик ҳамон эслаб юради. Қобилияти эътиборга олиниб, 1988 йилда унга Тошкент ўрта махсус милиция мактабига йўлланма беришди. Ўқишни яқунлагач, уни шаҳардаги оғир маҳаллалардан бирига профилактика инспектори этиб тайинлашди.

ҲИКМАТЛИ ЙЎЛ



Ҳикмат Эрматов ИИБ Академиясида ҳам таҳсил олди. Олий ўқув юртини тамомлаб қайтгач, Боёвут тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари – ЖТСХ бошлиғи лавозимида тайинланди.

Бир воқеа ҳеч ёдидан чиқмайди. Хизматдан қайтаркан, йўл четида турган «Жигули» автомашинасини кўриб, кўнглидан «Тун ярмида нима қилиб турибди экан» деган савол ўтди. Машинани ортга бурди. Буни кўрган «Жигули»дагилар жойидан кўзга-қўлга, шиддат билан узоқлаша

бошлади. Ҳикмат уларнинг ортидан тушди. Ҳар эҳтимолга қарши навбатчилик қисмига хабар қилди. Қочаётган машина ўқдек учиборарди. Тўхташ ишорасига сира парво қилмасди. Қувиш қочоқлар ариққа тушиб, тикилиб қолгунича давом этди. Машинадан уч нафар барваста йигит тушди. Кучлар тенг эмасди. Инспектор ўзининг ички ишлар органи ходими эканини айтиб, кескин ҳаракат қилмасликни огоҳлантирди. Йигитлар ҳартугул тўхташди. Улардан ҳужжат сўраб,

вазиятни назоратда ушлаб турди. Бу орада навбатчи машина етиб келди. Қочоқлар ҳаммасини тан олишди. Улар «Бекат» маҳалласидаги дўконга ўғирликка тушиб, пул ва молларни бўлиш учун бир зумга тўхтаганида, инспектор келиб қолган экан.

Ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашадиган Ҳикмат Эрматов Сирдарё вилояти ИИБ ҲООБ, Ховос тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилиб, обрў-эътибор қозонди. Кўплаб ёшларга устозлик қилди.

Турмуш ўртоғи Гулчеҳра Эрматова билан тўрт нафар фарзандини жамиятга нафи тагадиган шахслар қилиб тарбиялашди. Икки нафари ота касбини давом эттириб, ички ишлар органларида хизмат қилмоқда. Катта ўғли, сафдор Зафар Кўчимов Боёвут тумани ИИБда фаолият кўрсатади. Майор Фолибжон Кўчимов эса Янгиер шаҳар ИИБ ВСХ бошлиғи. Ҳикмат ака ва Гулчеҳра опа ўнга яқин набиранинг суюкли бобо ва бувижониси. Улар келишганида хонадон қувончга тўлиб кетади.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,
Ўз мухбиримиз.

Сирдарё вилояти.

Третий сектор

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ПОРУЧЕННЫЙ УЧАСТОК

Помощь нуждающимся, трудоустройство молодежи – главные задачи, стоящие перед руководителями секторов. Руководитель третьего сектора – начальник ОВД Пайарыкского района подполковник Сурач Шарипов рассказал какие проблемы волнуют жителей этого района, что делается для улучшения жизни сельчан.



В 65 махаллях Пайарыкского района проживают около 267 тысяч человек. С начала года свыше 1 550 семей были включены в «железную тетрадь», 16 210 женщин занесены в «женскую тетрадь», 1 964 человека значатся в «молодежной тетради».

– В основном мы сосредоточились на двух целях. Первая – обеспечить занятость молодежи, а вторая – изучить проблемы женщин, – рассказывает наш собеседник. – После адресного изучения на местах начали работу по трудоустройству нуждающихся. В зоне ответственности проживает 467 молодых людей, нуждающихся в помощи. В результате постоянной занятостью обеспечены 134 молодых человека, еще 54 получили необходимое оборудование для работы.

В современных условиях важно мотивировать молодежь и женщин на совершенствование своих знаний и навыков, обретение профессии. На постоянной основе представители сектора оказывают помощь нуждающимся в этом. С начала года свыше 300 человек получили медицинскую помощь, 186 студентам вузов был оплачен контракт, 187 юношам и девушкам выделены земельные участки, 67 – прошли курсы профориентации.

Во время беседы подполковник Сурач Шарипов рассказал какая помощь оказывается женщинам. В частности, о выдаче им кредитов на открытие бизнеса, трудоустройстве девушек, профилактике правонарушений и разводов среди молодых семей.

– Чтобы женщина стала подлинной хранительницей домашнего очага, она должна чувствовать себя востребованной в обществе, получать достойную заработную

плату, иметь возможность отдыхать с семьей и время для воспитания детей. И мы должны ей в этом помогать, – отметил наш собеседник. – Сегодня в районе 240 женщинам, потерявшим кормильца, оказана материальная помощь.



За первые восемь месяцев текущего года местными органами внутренних дел выданы охранные ордера 130 женщинам. В результате профилактической работы, проведенной совместно с представителями отделов по поддержке махалли и семьи, практически все семьи, где произошли скандалы, примирены и находятся под постоянным контролем сотрудников органов внутренних дел.

Работа сектора не ограничивается оказанием адресной помощи людям. В поле зрения руководства и улучшение инфраструктуры региона. Так, с начала года в семи махаллях Пайарыкского района

уложен асфальт протяженностью 9,2 километра. До конца года запланирован ремонт внутренних дорог еще в двух махаллях. В целях улучшения электроснабжения в махалле Куктепа установлен трансформатор, протянуто 6 километров высоковольтных сетей, установлено 199 бетонных столбов, что позволило улучшить электроснабжение 167 семей в поселке Шаммат.

Улучшилось и водоснабжение. В двух махаллях района завершили работы по прокладке 29,5 километра водопроводных труб для подачи питьевой воды.

Заметные улучшения наблюдаются также в сфере здравоохранения. В Челекской многопрофильной поликлинике, расположенной на территории 3-го сектора, произведен капитальный ремонт. Зарафшанский филиал семейного врачебного пункта «Чоштепа» обрел новый облик после реконструкции. В ближайшие дни ожидается открытие нового Эрназаркурганского филиала семейного врачебного пункта «Халкабод».

Благие дела продолжают, впереди воплощение новых задач, которые сделают регион краше, а жизнь сельчан лучше.

Замира БАЛТАЕВА,
соб. корр.

Самаркандская область.

IFTIXOR



DADAM BILAN FAXRLANAMAN!

O'shanda 6 yoshda edim. Bir kuni dadamning onamga «Ertaga maktab o'quvchilariga yo'l harakati qoidalarini bo'yicha dars o'taman, kiyimlarimni yuvib, dazmollab qo'y» degan gaplari qulog'imga chalindi. Maktabga chiqishimga hali bir yil vaqt bo'lsa-da, u yerga ertaroq borishni istardim. Shu sabab ota-onamga men ham maktabga bormoqchiligimni aytganimda, ko'nglimga qarab, qarshilik qilishmadi.

Xursandchilikimdan tong qanday otganini bilmayman. Ertalabdan yangi kiyimlarimni kiyib, dadam bilan maktabga otlandim. Meni sinfxonadagi partalarning biriga o'tqizib, o'zi darsni boshladi. Uning har xil ko'rgazmali qurollar bilan yo'l harakati qoidalarini o'rgatishi qalbimda dadamning kasbiga qiziqish uyg'otdi. Shundan so'ng dadamning ishdan kelishini intizorlik bilan kutadigan, kelishi bilan bosh kiyimini kiyib, jezasini olib, oynaga qaragancha uning harakatlarini takrorlaydigan bo'ldim...

Hozir IIV Ixtisoslashtirilgan maktab-internatining 6-sinfida tahsil olayman. O'qishdan tashqari, milliy kurash bilan shug'ullanaman. Chunki bo'lajak ichki ishlar organi xodimi jismonan baquvvat bo'lishi kerak.

Onam Dilrom Kuliboyeva Piskent tumanidagi 17-sonli maktabda matematika fanidan yoshlarga saboq beradi. Akam Sirojiddin ushbu maktab o'quvchisi, 6 yoshli ukam Samariddin esa bog'cha tarbiyalanuvchisi. Kelajakda ular ham osoyishtalik posboni bo'lmoqchi.

Bu yil Mustaqillik bayrami arafasida dadam, Toshkent viloyati IIBB 3-mintaqaviy hudud YPX inspektori, kichik serjant Adham Kuliboyev Prezidentimiz farmoniga binoan, «Shuhrat» medali bilan taqdirlandi. Bu uning mashaqqatli mehnatiga berilgan munosib bahodir.

Men dadam bilan faxrlanaman. Kelgusida men ham u kabi el koriga yaraydigan inson bo'lishni chin dildan xohlayman. Buning uchun hozirdanoq ana shu orzuyim ro'yobi yo'lida astoydil harakat qilyapman.

Salohiddin NIYOZOV.

Toshkent viloyati.

TERGOVNI BILIMDONLAR OLIB BORADI

AQL YOSHDA EMAS...

Ichki ishlar organlarida xizmatni boshlaganiga hali unchalik ko'p vaqt bo'lmasa-da, o'z sohasida ko'plab yutuqlarni qo'lga kiritib kelayotgan yoshlar ko'pchilikni tashkil etadi. Nukus shahar IIOFMB huzuridagi Tergov bo'limi tergovchisi, leytenant Timur Reytnazarov ana shunday yoshlardan biridir.



Ichki ishlar organlarida xizmat faoliyatini boshlaganiga bir yarim yildan ortiqroq vaqt bo'lganiga qaramasdan u «Eng yaxshi tergovchi» ko'rik-tanlovining avgust oyida o'tgan Qoraqalpog'iston Respublikasi bosqichida yakka peshqadamlikni qo'lga kiritgandi. Mazkur ko'rik-tanlovning yaqinda bo'lib o'tgan O'zbekiston Respublikasi bosqichida u g'olib bo'ldi.

T.Reytnazarov bu yutuqlarga shunchaki erishib qolmadi. U tergovchilik sohasini qunt bilan o'rganib, faoliyati davomida yuqori samaradorlikka erishmoqda. U tomonidan yuritilgan tergov ishlari davomida 2022-yilda 5 ta jinoyat, 2023-yilda esa 11 jinoyat fosh etildi. Ushbu jinoyat ishlari orasida tergov davomida ikkinchi bir jinoyatning ochilish holatlari ham uchraydi. Xususan, yaqinda u To'rtko'l tumanida sodir etilgan giyohvandlik bilan bog'liq ochilgan jinoyatni tergov qilayotganida giyohvandlik moddasini sotish bilan shug'ullanib kelayotgan ikkinchi bir shaxs borligi ma'lum bo'ldi. Mazkur holat bo'yicha huquqni muhofaza qiluvchi idoralar bilan tezkor tadbir o'tkazilib, ushbu shaxs qo'lga olindi. Uning yashash manzilida tintuv o'tkazilganida ma'lum miqdordagi heroin giyohvandlik moddasi topildi.

Nukus shahrida tavallud topgan maqolamiz qahramoni o'rta maktabni

tugatganidan so'ng 2019–2022-yillarda IIV Akademiyasida tahsil oldi. Sohadagi ilk xizmat faoliyatini 2022-yilda To'rtko'l tumani IIB huzuridagi Tergov guruhida boshladi. 2023-yil sentabr oyidan buyon Nukus shahar IIOFMB huzuridagi Tergov bo'limida xizmat qilib kelmoqda.

– Otam Tuyelbay Reytnazarov ancha yillar ichki ishlar organlarida xizmat qilgan. Padari buzrukvorimga havas qilib bolaligimdan ichki ishlar organi xodimi bo'lishni orzu qilardim. Nukus shahridagi 32-sonli maktabda a'lo baholarga o'qidim. Sport bilan shug'ullandim. Orzuim amalga oshib, birinchi yilgi urinishda IIV Akademiyasi tinglovchilari safiga qabul qilindim. Hayotdagi, kasb-korimdagi birinchi ustozim otam bo'lsa, keyingi xizmat faoliyatimda ustozlarim podpolkovnik Ravshanbek Igamberdiyev, mayor Umidjon Abbosov, kapitan Baxtiyar Shariybayevlar menga yo'lchi yulduz bo'lishdi. Ulardan tergov ishining sir-asrorlari, dalillar bilan ishlashda e'tibor qaratish bo'lgan jihatlarni o'rgandim. Hozirga qadar qanday yutuqlarga erishgan bo'lsam, hammasi ustozlarim mehnati samarasi deb bilaman, – deydi leytenant Timur Reytnazarov.

Azamat PIRNIYAZOV,
o'z muxbirimiz.

Qoraqalpog'iston Respublikasi.

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

ХАТОДАН ХУЛОСА ЧИҚАРМАСЛИК АЙБ – дейди подполковник Файзулло Ҳақимов

Ходимнинг оиласи тинч, муаммолари йўқ бўлса, хизматда самарадорлик бўлади. Буни яхши англаган Наманган вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ ППХ батальони командирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Файзулло Ҳақимов ходимларнинг кайфияти билан қизиқади, оилавий шароитини ўрганиб, тегишли тартибда ижтимоий ғимоя қилиш чораларини кўриб боради.



Масалан, батальон 3-отряди бўлинма командири, сафдор С.Комилов билан суҳбат жараёнида ходимнинг оиласида яқинда фарзанд туғилгани, ойлик маошининг маълум бир қисми кредит тўлаш учун кетаётгани маълум бўлди. Шу сабабли ходимга моддий ёрдам бериш юзасидан раҳбариятга таклиф киритилди. Шунингдек, сержант Д.Раҳимовга ҳам оилавий эҳтиёжлари учун бир марталик моддий ёрдам олиш юзасидан қилинган масала ҳам ижобий ҳал этилди.

Подполковник Файзулло Ҳақимовнинг интизомий жазо чорасини олган ходимлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказиб бориши ҳам самарасиз бўлмапти. Ходимга «ҳайфсан» интизомий жазо бериш унинг соҳадан кўнглини совутиш эмас, балки хатоларидан тегишли хулоса чиқаришга ундаши шарт. Масалан, 3-отряд сафдор ходимлари – сафдорлар Ж.Якубов ва Ж.Абдураҳимовга хизмат ва зифасига боғлиқ бўлмаган фаолиятга аралашмаслик, тартиб-интизомга риоя қилиш кераклигини ётиги билан



тушунтирди. Самимий суҳбат чоғида ходимлар хатодан хулоса чиқармаслик айб эканини тушундилар.

– Ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомига риоя этиш бўйича подполковник Файзулло Ҳақимов ходимлардан ўз маслаҳат ва кўмагини аямайди, – дейди батальон хизматни ташкиллаштириш гуруҳи катта инспектори, катта сержант К.Ваҳобов. – Албатта, бу биз, ходимларга куч ва ғайрат бағишлайди.

Лавҳамиз қаҳрамонининг ташаббуси билан ҳозирги вақтда ходимларнинг билим савиясини ошириш, нутқ ва муомала маданиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида ҳафтада бир марта «Китобхонлик соати» ўтказиб келинади. Бунда ходимлар кутубхонада ўқиган китоблари бўйича фикр алмашадилар.

Шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида спорт машғулотларига алоҳида ўрин ажратилгани ўз самарасини бермоқда. Ходимлар яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли спорт мусобақаларида фахрли ўринларни ҳам қўлга киритмоқда. Масалан, шу йилнинг 25–28 август кунлари вилоят ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ўтказилган волейбол мусобақасида батальон жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. 1-отряд сафдор ходими, сафдор Жаҳонгирмирзо Собиржонов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида 100 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган мусобақада голиб бўлди.

Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,
ўз мухбиримиз.

Наманган вилояти.

★ В регионах

ОСОБЫЙ ПОДХОД К ОСОБОЙ КАТЕГОРИИ ГРАЖДАН

Вопросы повышения результативности в сфере молодежной политики, озвученные 11 апреля на видеоселекторном совещании под председательством Президента страны, находят свое практическое решение.



Реализуются меры по трудоустройству, профессиональному обучению, оказанию правовой, психологической, медицинской и материальной поддержки молодого поколения. Для эффективности проводимой работы руководители разного уровня закреплены за

детьми из нуждающихся семей, с дефектами в физическом развитии, состоящими на учете молодыми людьми.

В соответствии с этим начальник УВД Джизакской области, его заместители и руководители территориальных управлений и отделов опекают 694

юных граждан. Постоянные встречи с подопечными помогают выявить их насущные запросы. Так, за минувшее время удалось решить проблемы, высказанные в 357 обращениях. В том числе оказано содействие в трудоустройстве, получении кредита, лечении.

В частности, начальник УВД Джизакской области генерал-майор Гайрат Кодиров несет ответственность за 55 молодых людей. Он обеспечил полное решение вопросов, поступивших в ходе встреч, проведенных на участках 3-го сектора. Например, оказана помощь жителю махалли Бунёдкор областного центра, Евгению Бережнову, в открытии бизнеса по реализации прохладительных напитков. А Шахзоду Худойбердиеву из махалли Иттифок помогли устроиться на работу в автозавод.

Достону Ботирову из махалли Турон на оформление кадастровых документов на жилье и его ремонт выделено порядка 50 миллионов сумов. В результате несчастного случая серьезные ожоги получила дочь Мохинур Мансуровой из

махалли Хайрбод. Благодаря содействию начальника областного УВД девочке провели пластическую операцию.

Наряду с решением проблем нуждающихся из числа молодежи, особое внимание уделяется лицам, состоящим на профилактическом учете за совершенные ранее правонарушения. Причем, связь с подопечными не прерывается после удовлетворения их запросов. Поддержка оказывается до тех пор, пока они не встанут на путь исправления, не обретут твердую почву под ногами. По сути подобная система содействует предупреждению преступности.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
соб. корр.

Джизакская область.



Ma'naviyat va ma'rifat darsi

«O'ZBEKISTON – 2030» STRATEGIYASI – XALQ STRATEGIYASI

Mamlakatimizda so'nggi yillarda amalga oshirilayotgan izchil islohotlar natijasida o'zgarayotgan, yangilanayotgan O'zbekistonning dunyodagi o'rne va mavqei tobora mustahkamlanib, xalqning turmush darajasi yaxshilanib, ertangi kunga bo'lgan ishonchi ortib bormoqda. Albatta, bunday ijobiy o'zgarishlarga, avvalo, Prezidentimizning siyosiy irodasi va jasorati, qolaversa, har tomonlama puxta o'ylangan va xalq manfaatiga xizmat qiladigan islohotlar hayotga izchil tatbiq etilishi hamda zahmatkash xalqimizning mashaqqatli mehnati tufayli erishilmoqda.

Davlatimiz rahbarining joriy yil 11-sentabrdagi «O'zbekiston – 2030» strategiyasi to'g'risida»gi farmoni bilan keyingi yillarda o'rtirilgan tajriba hamda jamoatchilik muhokamasi natijalari asosida ishlab chiqilgan «O'zbekiston – 2030» strategiyasi tasdiqlandi. Unda o'z aksini topgan insonparvarlik siyosati, «Inson qadri uchun» tamoyili ijrosi yo'lidagi dadil qadamlar, yaqin kelajakda amalga oshiriladigan keng ko'lamli islohotlar, aniq maqsad va vazifalar xalqimiz hayotiga yangicha mazmun bag'ishlashi shubhasiz.

Bunday muhim hujjatning qabul qilinishi oldimizda turgan ulug'vor vazifalarni ro'yobga chiqarishga qat'iy kirishganimizdan dalolat beradi. Dunyo miqyosida raqobat keskinlashib borayotgan hozirgi murakkab bir davrda mamlakatimizni ilm-fan yutuqlari, yuqori texnologiyalar asosida modernizatsiya qilish hamda yangilash eng muhim vazifalarimizdan biriga aylandi.

«O'zbekiston – 2030» strategiyasida quyidagi asosiy g'oyalar aks ettirilgan bo'lib, bu har bir fuqaroga o'z salohiyatini rivojlantirish uchun imkoniyatlarni yaratish, sog'lom, bilimli va ma'naviy barkamol avlodni tarbiyalash, global ishlab chiqarishning muhim bo'g'iniga aylangan kuchli iqtisodiyotni shakllantirish, adolat, qonun ustuvorligi, xavfsizlik va barqarorlikni kafolatli ta'minlashga xizmat qiladi:

- barqaror iqtisodiy o'sish orqali o'rtadan yuqori daromadli mamlakatlar qatoriga qo'shilish;
- xalq ehtiyojlari va xalqaro standartlarga to'liq javob beradigan ta'lim, tibbiyot va ijtimoiy himoya tizimini yaratish;
- aholi uchun qulay ekologik sharoitlar yaratish;
- xalqqa xizmat qiluvchi adolatli va zamonaviy davlat qurish;
- mamlakat suvereniteti va xavfsizligini kafolatli ta'minlash.

Mazkur ustuvor yo'nalishlar doirasida yalpi ichki mahsulot hajmini 2 barobar oshirish, kambag'allikni 2 barobarga kamaytirish, maktabgacha ta'lim bilan qamrov darajasini 100 foizga yetkazish, suvni ishlatish samaradorligini

25 foizga oshirish kabi qator vazifalar belgilangan.

Har qanday mamlakatning ke-lajagi yosh avlodning har tomon-lama yetuk, bilimli va malakali kadrlar bo'lib yetishishiga bog'liq. Binobarin, Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yuksaltirish yo'lidagi ezgu niyatlarni ro'yobga chiqarishda ma'nau yetuk, o'z ishi-ning mutaxassisi bo'lgan kadrlar-ga ehtiyoj har qachongidan ham yuqori. Shu sababli Strategiyada ta'limni qo'llab-quvvatlashga alo-hida e'tibor qaratilgan. Jumladan, Prezidentimizning joriy yil 11-sen-tabrdagi «O'zbekiston – 2030» strategiyasini 2023-yilda sifatli va o'z vaqtida amalga oshirish cho-ra-tadbirlari to'g'risida»gi qaroriga ko'ra, 2024-yil 1-yanvardan:

– davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilariga oqsil, vitamin va minerallar bilan

liard so'mgacha kreditlar bo'yicha foiz stavkasi asosiy stavkadan osha-digan, lekin uning 1,5 baravaridan ko'p bo'lmagan qismini qoplash uchun kompensatsiya taqdim etish amaliyoti yo'lga qo'yiladi;

– 2023/2024-o'quv yilidan, umumiy o'rta ta'lim muassasalari 10-sinf o'quvchilarini kasb-hunarga o'rgatish kurslari joriy etiladi, shu-ningdek, Prezident maktablari va ix-tisoslashtirilgan maktablar umumiy o'rta ta'lim muassasalari uchun «tayanch maktab» etib belgilanadi.

«O'zbekiston–2030» strate-giyasida oliy ta'limda qamrovni kengaytirish, oliy ma'lumotli muta-xassislar tayyorlash sifatini oshirish masalasiga ham alohida e'tibor beril-gan.

Strategiyaning qonun ustuvor-ligini ta'minlash, xalq xizmatida-gi davlat bosh-qaruvini tashkil etish yo'nalishi doirasida 2024-yil 1-yanvardan boshlab yo'l harakati xavfsizligi sohasida dav-lat xizmatlarini ko'rsatishda, shu jumladan, avtomototransport vositalarini davlat ro'yxatidan

satni izchil davom ettirish yo'nalishi-da ham qator maqsadlar, tashab-buslar o'rin olgan. Bunda xorijda istiqomat qilayotgan vatandoshlari-mizni qo'llab-quvvatlash, ular bilan doimiy muloqot tizimini joriy etish borasida belgilab berilgan vazifalar ham muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, vatandoshlar tomonidan yo'lga qo'yilgan jamoat birlash-malari faoliyatini har tomonlama rag'batlantirish va ularning sonini 300 taga yetkazish, o'zbek tili va adabiyoti, tarix, madaniyat, san'at va hunarmandchilik yo'nalishidagi oliygohlarda xorijdagi vatandosh-lar uchun 200 ta grant ajratish ko'zda tutilgan. Shuningdek,

vatandoshlar ishtirokida tibbiyot, ta'lim va ilm-fan sohalarida 100 ta loyi-hani amalga oshirish, vatandoshlar jamoat birlashmalariga yet-kazib beriladigan badiiy adabiyotlar sonini 100 ming-taga ko'paytirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Bir so'z bilan ayt-ganda, inson manfaatlari ustuvorligini ta'minlash, jamiyatni yanada rivojlantirish maqsadida aholi takliflari, talab va ehtiyojlari

«O'zbekis-ton – 2030 strate-giyasi»ning 5 ta g'oya-si doirasida jami 100 ta maqsad, 369 ta chora-tad-bir, 190 ta vazifa, 306 ta maqsadli ko'rsatkich va 118 ta normativ-huquqiy hujjat loyihalarini ish-lab chiqish belgi-lang.



boyitilgan sut, yod bilan to'yintiril-gan non mahsulotlari berilishi yo'lga qo'yiladi;

– Xorazm viloyatining Qo'shko'pir va Xonqa tumanlarida eksperiment tariqasida, barcha boshlang'ich sinf o'quvchilari ta'lim planshetlari bilan ta'minlanib, kelgusida bu tajriba respublikaning barcha hududlarida bosqichma-bosqich joriy etiladi;

– banklarning nodavlat umumiy o'rta ta'lim tashkilotlari faoliyatini yo'lga qo'yish uchun qiymati 20 mil-

o'tkazishda avtomototransport vo-sitasining oldi-sotdi shartnomalari va boshqa notarial tasdiqlangan bitimlarni «Notarius» avtomat-lashtirilgan axborot tizimidan olish amaliyoti yo'lga qo'yiladi va ariza beruvchilardan mazkur hujjatlarni talab qilish taqiqlanadi. Bu davlat xizmatlarini ko'rsatishda aholiga yanada qulaylik yaratadi.

«O'zbekiston – 2030» strate-giyasining «Xavfsiz va tinchliksevar davlat» tamoyiliga asoslangan siyo-

inobatga olingan holda qabul qilin-gan «O'zbekiston – 2030» strategi-yasi hayotbaxsh dasturga aylanishi-ga ishonchimiz komil. Zero, amalga oshirilayotgan islohotlar odamlarimiz ijobiy o'zgarishlar samarasini kelajakda emas, balki bugun his etishiga, davlat organlarining xalq irodasini ifoda etib, uning manfaat-lariga xizmat qilishini yangi bosqich-ga ko'tarilishiga xizmat qilmoqda.

Azizjon FAYZIYEV,
mayor.

JANGOVAR SHAYLIK SINOVI

O'zbekiston Respublikasi IIV Xalqaro aeroportlarda xavfsizlikni ta'minlash qo'shinlari harbiy xizmatchilarning kasbiy va jismoniy malakasini oshirish, ekstremal sharoitlarda turli jismoniy yuklamalarga ruhiy bardoshlilikini aniqlash maqsadida qo'shin miqyosida har yili o'tkazib kelinayotgan «Qo'mondon kubogi» musobaqasining ahamiyati katta bo'lyapti. Sportning harbiy-amaliy turi bo'yicha tashkil etilgan bu yilgi musobaqaga Navoiy viloyatidagi 7259-sonli harbiy qism mezbonlik qilmoqda.



Musobaqaning ochilish marosimida qatnashgan qo'shin qo'mondoni, polkovnik Shokirjon Xudaynazarov barcha ishtirokchilarni tabriklab, musobaqa shartlarini muvaffaqiyatli bajarishda zafarlar tiladi. Tadbirda ishtirok etayotgan IIV Navoiy akademik litseyi o'quvchilari, harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari uchun unutilmas taassurotlarga boy bo'ldi. Ular harbiy qismdagi mavjud jangovar texnika va qurol-aslahalarni ko'zdan kechirib, harbiylar hayotini o'z ko'zlari bilan ko'rishdi.

Shundan so'ng musobaqaga start berildi. To'rt kun davom etadigan musobaqada qo'shin tarkibidagi harbiy qismlardan 12 ta jamoa ishtirok etmoqda. Jamoalar jangovar va jismoniy tayyorgarlikni o'z ichiga olgan 4 ta shart bo'yicha o'zaro kuch sinashmoqda.

Dastlabki shartda ishtirokchilarning yagona to'siqlardan o'tishda abjirliklari sinovdan o'tgan bo'lsa, ikkinchi shartda ular Milliy gvardiya tasarrufidagi dala o'q otish poligonida maxsus taktik mashqlarni bajarishdi. Harbiy xizmatchilar taktik harakat va o'q otish mashg'ulotlarida peshqadamlik uchun bor imkoniyatini ishga solishdi.

Shuningdek, ishtirokchilar keyingi kunlari qolgan shartlarga kirishib, BTR harbiy texnikasini jangovar shay holatga keltirish, 3 kilometr masofaga anjom-aslaha bilan yugurish mashqlarini bajarishadi.

Musobaqa 6-oktabr kuni nihoyasiga yetadi. O'sha kuni musobaqaning tantanali yopilish marosimi o'tkazilib, g'oliblar taqdirlanadi.

Foziljon MAMASHARIPOV,
o'z muxbirimiz.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

«ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК УЧУН РАҲМАТ!»

Ўз хизмат бурчини виждонан адо этиб, юрт осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган ходимларни имтиёзли ипотека кредити билан таъминлаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Яқинда Андижон вилояти ИИБда 25 нафар осойишталик посбонига уй-жой сотиб олиш учун сертификатлар топширилди. Улар орасида вилоят ИИБ Ташкилий бошқармаси «102 тизими» кичик мутахассиси, сафдор Дилмурод Ҳайдаров бор. Унга 115 миллион сўмлик сертификат топширилди.

– Шу пайтгача ота-онам ва икки акам билан бир ҳовлида яшардик. Кўп қаватли уйдан уч хонали хонадон сотиб олишга қарор қилдик, – дейди Д. Ҳайдаров. – Бошланғич бадални тўладик, яқин кунларда янги хонадонга кўчиб ўтамиз. Рафиқам бундан жуда мамнун. Кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор учун ИИБ ва вилоят ИИБ раҳбариятига раҳмат!

Балиқчи туманида туғилган лавҳамиз қаҳрамони ички ишлар органларида 2016 йилдан буён хизмат қилиб келади.

Ички ишлар органлари ходимлари зиммасига жамиятда барқарорликни таъминлаш борасида кенг қўламли, масъулиятли вазифалар

юкланган. Уларнинг хизмат вазифаларини бажариш самарадорлиги оиласининг фаровонлик даражасига ва ижтимоий таъминоти сифатига ҳам боғлиқ. Шу боисдан соҳа вакиллари муносиб ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи доимий эътиборда.

Мамлакатимизда фидойи ходимлар хизматини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уй-жойга муҳтож ходимларга янги хонадонлар, шунингдек, қурилган кўп қаватли уйлardan имтиёзли ипотека кредити асосида хизмат уйлари ажратилмоқда.

Борис КЛЕЙМАН,
ўз мухбиримиз.

Андижон вилояти.



ЖАРАЁН

«SOS» ХИЗМАТДА

Гулистон шаҳрини хавфсиз ҳудудга айлантириш борасида «Бўстон» маҳалласида маҳалла бешлиги томонидан «хонадонбай», «маҳаллабай» ишлаш тизими жорий қилиниб, ҳар бир оила, ҳар бир шахснинг ижтимоий портрети яратилмоқда. Шу кунгача маҳалладаги эликдан ортиқ ишсиз фуқаро касбга йўналтирилиб, мономарказларда курсларда ўқитилди.



Амалга ошириладиган муҳим ишлардан яна бири, ситуацион марказларнинг ташкил этиладиганидир. Хусусан, 2-сонли Ички ишлар бўлимида яратилаётган ситуацион марказ вазиятни онлайн тарзда таҳлил қилиш

имконини беради. Марказ ностандарт вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш, чора кўришга шароит яратади.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида шаҳарнинг «Намуна» маҳалласидаги 1-сонли маҳалла



ҳуқуқ-тартибот масканида тунги навбатчилик ҳамда йўналишли патруллик гуруҳлари ташкил этилди. Улар айна пайтда турли мавзеларда тинчлик-осойишталикни таъминлаб келишмоқда.

Шунингдек, Гулистон шаҳрининг аҳоли гавжум жойларига «SOS» тезкор-чақирув қурилмаларини ўрнатиш ишлари бошлаб юборилган. «Тараққиёт» маҳалласининг Бунёдкор кўчасида ўрнатилган «SOS» тезкор-чақирув қурилмаси айна кунларда фуқаролар хизматида. Аҳолига ундан фойдаланиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Яқин муддатда шаҳарнинг яна 8 та аҳоли гавжум жойларига ана шундай қурилмалар ўрнатилиши кўзда тутилмоқда.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,
ўз мухбиримиз.

Сирдарё вилояти.



★ Одни из первых

Юлдузхон родилась в городе Асаке Андижанской области. После окончания школы, Ферганского кооперативного техникума и Ферганского политехнического института работала инженером по технике безопасности на Андижанской трикотажной фабрике. В 1974 году Мирзаева была принята на службу в органы внутренних дел и назначена инструктором политотдела.

Потом занимала должности инспектора зональной группы, инспектора по особо важным поручениям организационного отдела. Стоит отметить, что Ю. Мирзаева была одной из первых женщин в Андижане, занимавшей пост начальника паспортного стола. В разные периоды она возглавляла подразделения Андижанского и Асакинского ГОВД. На заслуженный отдых вышла в 1999 году в звании подполковника. Она про-

В этом году подполковнику в отставке Юлдузхон Мирзаевой исполнилось бы 75 лет. К сожалению, два года назад после тяжелой и продолжительной болезни ее не стало. Но память о таких людях вечна.

шла все ступени служебной лестницы от лейтенанта до подполковника. Без отрыва от службы Мирзаева окончила заочное отделение Ташкентской высшей школы МВД. За долгие годы службы она зарекомендовала себя как ответственный руководитель, исполнительный сотрудник и первоклассный специалист.

Служба в органах внутренних дел легкой никогда не была, а уж в паспортном столе и вовсе является одной из самых тяжелых. Привыкать было непросто. Приходилось

часто бывать в разных поселках Андижанской области, транспорта не было, многие километры приходилось проходить пешком. Были постоянные дежурства, сотрудники практически не знали выходных, но хрупкая женщина выдержала все испытания.

Руководители уважали ее за настойчивость и принципиальность. Высокий профессионализм, целеустремленность и колоссальную работоспособ-



ность. Некоторые придерживались такого мнения: «Мирзаевой легче помочь, чем отказать. Все равно своего добьется».

За эти годы немало событий произошло в жизни Юлдузхон. Умер отец, затем супруг, она одна

воспитывала сына Дилшода, о себе заботилась мало. Казалось бы, имея дружеские отношения с людьми разного уровня могла решить все свои личные проблемы, но Юлдуз никогда и словом не говорила о них. Не тот характер. Были вопросы и важнее – успеть вовремя оформить, зарегистрировать и выдать паспорта гражданам района.

Выйдя на заслуженный отдых не теряла связи с УВД, всегда находила время поинтересоваться делами, была готова делиться своим богатым опытом. Долгие годы своей жизни Юлдузхон посвятила служению народу, для нее такие понятия, как патриотизм, честь и служебный долг являлись жизненным кредо.

Борис КЛЕЙМАН,
соб. корр.

■ Республика Каракалпакстан

ЛУЧШИЕ НАСТАВНИКИ СЕВЕРНОГО РЕГИОНА

В МВД Республики Каракалпакстан состоялся республиканский этап смотра-конкурса «Наставник года».

В любой профессии наставничество играет важную роль в подготовке молодых специалистов, обеспечивает преемственность традиций, выступает связующим звеном между представителями разных поколений. В настоящее время в системе Министерства внутренних дел Каракалпакстана работают 118 наставников, за которыми закреплены молодые сотрудники.

В состоявшемся смотре-конкурсе приняли участие 20 наставников и их подопечные. Выступления оценивались по двум критериям – профессионально-творческие способности, боевые и физические навыки.

По итогам смотра-конкурса победителем стал инспектор по особым поручениям управления миграции и оформления гражданства МВД майор Руслан Бекмурзаев. Второе место заняла старший инспектор группы по работе с несовершеннолетними и молодежью ОПП СОБ УКД ОВД города Нукуса майор Камилла Атаниязова. Третье место присуждено старшему инспектору группы обеспечения кадрами Муйнакского РОВД майору Бахадиру Жиеналиеву.



– Работа с документами требует особой внимательности. Одна неточность в записи может создать для выезжающих за рубеж соотечественников проблемы и неприятности, – говорит майор Р. Бекмурзаев. – В этом плане многому научился у своего наставника подполковника Кууаниша Исакова.

За 13 лет службы победитель

смотра-конкурса достиг больших успехов. Совместно с подразделениями профилактики и других правоохранительных органов Р. Бекмурзаев участвовал в мероприятиях «Паспорт-виза». Только в минувшем году выявлено 92 гражданина, нарушивших паспортный режим. В ходе мероприятия «Спитамен» задержаны 10 иностранных граждан, прожи-

вающих в республике вопреки правилам пребывания в стране. Во взаимодействии с сотрудниками уголовного розыска участвовал в раскрытии одного преступления и задержании преступника, находящегося в розыске. Свидетельством высокого профессионализма является и то, что Р. Бекмурзаеву доверили наставничество. Сейчас он помогает набраться опыта и мастерства рядовому Пухарбаю Кошкарбаеву.

Руслан Бекмурзаев уроженец Нукуса, окончил факультет иностранных языков Нукусского государственного педагогического института им. Ажинияза. Имеет опыт педагогической деятельности. Одно время он работал учителем английского языка в общеобразовательной школе № 28. В 2010 году стал слушателем Высшей школы подготовки сержантского состава Академии МВД Республики Узбекистан. Занимал должность инспектора паспортного отделения Кегейлийского РОВД, был начальником паспортного отделения Караузьякского РОВД.

Учитывая знание языков и квалификацию, в 2014 году его назначили инспектором Управления миграции и оформления гражданства МВД Республики Каракалпакстан. В настоящее время продолжает плодотворно служить в данном подразделении.

Инабат БАЗАРБАЕВА,
лейтенант.



✦ Siz kutgan uchrashuv

Zulfiqor MUSOQOV: yaxshi kinomahsulot zo‘r yozilgan kitob kabidir

«Abdullajon», «Bomba», «Yaratganga shukur», «Kichkina tabib», «Osmondagi bolalar – 1-2-3», «Vatan», «Dadam betob», «Berlin – Oqqo‘rg‘on», «Hazonrezgi», «Novda»... Bu ro‘yxatni uzoq davom ettirish mumkin. Bugungi suhbatdoshimiz O‘zbekiston Respublikasi san‘at arbobi, «Mehnat shuhrati», «Fidokorona xizmatlari uchun» ordenlari sohibi, kinorejissyor Zulfiqor Musoqovdir. U yaratgan yuqorida sanab o‘tilgan filmlarning deyarli barchasi zangori ekran orqali qayta-qayta namoyish etilsa-da, tomoshabinlarni zeriktirib qo‘ymaydi. Ular allaqachon xalqning qalbidan joy olib ulgurgan.

– Talabalik yillari, ustozingiz to‘g‘risida...

– Insonning taqdiri, xarakteri to‘la ochib berilgan kinofilmlarni yoqtirardim. Talabalik davrimda taniqli rejissyorlar bilan uchrashuvlar tashkil qilinardi. Aksariyati Rossiya, AQSH, Italiya, Germaniyadan kelgan nomdor shaxslar bo‘lgan. Teatr va kino aktyori, kinorejissyor, «Moskva ko‘z yoshlarga ishonmaydi» filmi uchun «Oskar» mukofoti bilan taqdirlangan Rossiya xalq artisti Vladimir Menshovni o‘zimga ustoz deb bilaman. Undan ko‘p saboqlarini olganman. Esdalik bo‘lib qolishi uchun 1991-yilda yaratilgan birinchi filmim «Abdullajon»da ustozim rol o‘ynagan.

– Rejissyorlikning og‘ir-yengilliklari xususida ham to‘xtalib o‘tsangiz.

– Rejissyorlik haqiqatan ham mas‘uliyatli kasb. Faoliyatimdan kelib chiqib shuni aytishim mumkin, aktyorlik ham, operatorlik ham qo‘limdan kelmaydi. Hamma o‘z ishini oxirigacha, professional darajada qilgani ma‘qul deb hisoblayman. Shu sababli bo‘lar-bo‘lmasga ularning ishiga aralashavermayman. Allohga shukur, yoshim 66 ga yetgan bo‘lsa ham, hamon sevgan kasbim bilan shug‘ullanyapman. Ikkinchi bor tanlov imkoniyati berilganida, hech ikkilanmay yana rejissyorlikni tanladim. Gap shundaki, men 8-9 sinfdaligimdayoq bu kasbning «kasali» bo‘lib qolganman. Rejissura orzusida ulg‘aydim, ikkita oliy ta‘lim dargohini tugatdim. So‘ng «O‘zbekfilm»ga kelib ishladim. Shu sohadan nafaqaga chiqdim...

– Kasbingizdan o‘zingiz afsuslangan yoki kimlarnidir afsuslantirgan paytlar bo‘lganmi?

– Ochiq gap, endi o‘qishga kirganimda, «Ehe, bu kasb non bermaydi, pul ham keltirmaydi!» deganlar bo‘lgan. Oradan besh yillar o‘tgach, buning teskarisini aytishdi. Ayniqsa, «Abdullajon» filmidan keyin. Har bir insonning hayotida nohaqliklar bo‘ladi. Hech bir odam yo‘qki, bir marta bo‘lsa-da undan jabr ko‘rmasgan bo‘lsa. Men to‘g‘rini to‘g‘ri, yaxshini yaxshi, yomonni yomon deyman, vaziyatga qarab qiyofamni o‘zgartirmayman. Xoh, rahbar yoki amaldor bo‘lsin, nohaqlik qiladigan bo‘lsa, shartta yuziga aytaman. Shuning uchun o‘zim ham to‘g‘riso‘z, haqiqatni dangal aytadigan insonlarni qadrlayman. Ortidan gapirish, kimlargadir fitnalar uyushtirishni esa haqiqiy erkaklarga xos bo‘lmagan illat deb bilaman.

Odam haq bo‘lsa, ustidan ming yozishsa ham, yuzi yorug‘ bo‘lib chiqaveradi. Haqligini mardlarcha isbotlaydi. To‘g‘ri, stressli vaziyatlarga dosh berish qiyin. Bu inson ruhiyatiga baribir ta‘sir etmay qolmaydi. Eng yomoni kasbimni tushunmaydiganlarning menga aql o‘rgatishidir. Jahlim chiqadi. Gohida «Sen kimsan o‘zi, sohada nima qilib qo‘ygan-san?» deb savol beraman. Afsuski, yo‘nalishimizda bundaylar juda ko‘p uchraydi. Hayotida biror kadr olmagani sizga qanday kino olishni o‘rgatsa, jim tura olasizmi? Masalan, siz tishingiz og‘risa, tish do‘xtirga borasiz, etikdo‘zni yo‘qlamaysiz-ku, to‘g‘rimi? Shunday ekan, har bir ishni o‘z ustasi qilgani ma‘qul, deb hisoblayman.



– Oxirgi yillar O‘zbekistonda kinodan biznes maqsadida foydalanayotganlar ko‘paydi. Ayrim film-seriallarni bir marta ko‘rgach, qaytib qaragingiz kelmaydi...

– Siz-ku, bir marta ko‘rar ekansiz. Men professional rejissyor sifatida besh daqiqaga zo‘rg‘a yetib borib, tezda boshqa kanalga olaman. Nega, ko‘rib bo‘lmaydi. Na saviya, na mukammal ssenariy, na rejissura bor. Asosiy maqsad tezroq shon-shuhratga erishish yoki davlat yo‘naltirgan mablag‘dan ulush olish ekanligi yaqqol sezilib qoladi.

Yana bir gap, rejissyorning tomoshabinga ergashib ketishi yaxshimi? Pul keltiradi deb yuzaki, bachkana, sayoz ijodiy namunalarga qo‘l urib, «Bizning xalqqa bo‘laveradi» deyish tomoshabinlar yuziga oyoq qo‘yish bilan barobardir. Har bir kino o‘zining auditoriyasi, taqdiriga ega bo‘lgani singari, rejissyor ham tarbiyasi, bilimi, madaniyati, dunyoqarashiga yarasha film yaratadi. Yaxshi kinomahsulot bu zo‘r yozilgan kitob kabidir. U yillar o‘tsa ham qiymatini

yo‘qotmaydi. Ishiga saviyasizlarcha yondashib, yana o‘zini rejissyor deb atayotganlarni men umuman tan olmayman.

Faoliyatim davomida hech qachon biznes bilan kinoni aralash-tirmaganman. Bu mavzuda Prezidentimiz ham ijodkorlar bilan uchrashuvda aytib o‘tgan edilar. Xalq yaxshi filmlarga tashna. Men mamlakatimizning eng chekka hududlarigacha borib, bunga amin bo‘lganman. Hamyurtlarimiz filmlarni asosan televizor orqali ko‘rishadi. Mana, hozir YouTube platformasi ommalashdi. Biroq film o‘zini oqlashi uchun 36 milliondan ortiq aholisi bor O‘zbekistonga kamida 900 dan ziyod



Tahriririyatdan:

Prezidentimizning «O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligining o‘ttiz ikki yilligi munosabati bilan fan, ta‘lim, sog‘liqni saqlash, adabiyot, madaniyat, san‘at sohalari va ommaviy axborot vositalari xodimlaridan bir guruhini mukofotlash to‘g‘risida»gi Farmoni bilan Zulfiqor Musoqov «Fidokorona xizmatlari uchun» ordeni bilan taqdirlangan edi.

Fursatdan foydalanib, iste‘dodli kinorejissyorni ko‘p sonli o‘quvchilarimiz nomidan Vatanimizning yuksak mukofoti bilan samimiy muborakbod etamiz. Uning kelgusi ijodiy ishlarida muvaffaqiyatlar tilaymiz.

qo‘l urgan ba‘zi rejissyorlarning ishini kuzatganman. Qahramonlar go‘yoki tirik haykal singari boshdan oxirigacha jiddiy holda, bir xil tasvirlanadi. Natijada epizodlar jonli chiqmaydi. «Ey, baraka topkurlar, ular ham odam, hazillashadi, kuladi, bazmlarda qatnashadi, ta‘silanadi, orzu qiladi. Ularning ham dardlari, tashvishlari bor!» degim keladi bunday obrazlarini ko‘rib.

– O‘zbek hamda jahon kinosidan siz barcha ko‘rishi shart deb hisoblaydigan filmlar «TOP-5»ligini bilmoqchimiz...

– Demak, O‘zbekistondan – Sergey Alibekovning «Нить» animatsion filmi, Shuhrat Abbosovning «Toshkent – non shahri», Elyor Ishmuhamedovning «Sevishganlar», Ali Hamroyevning «Matonat», Yusuf Azimovning «Tong» filmlari. Dunyo bo‘yicha beshtalikni sanab berishim qiyin. Menda bu raqam ellikdan oshadi. Shu sabab o‘sha ro‘yxatimdagi filmlar rejissyorlarini ayta qolaman. Bular: Takeshi Kitano (Yaponiya), Martin Skorseze (AQSH), Nikita Mixalkov (Rossiya), Viktor Shamirov (Rossiya), Jeyms Kameron (Kanada).

– Mazmunli suhbat uchun tashakkur.

Abror POYONOV
suhbatlashdi.

YOSHLAR – KELAJAK BUNYODKORI

SPORT BILAN DO‘ST TUTINGAN KAM BO‘LMAYDI

– deydi safdor Husniddin Mahmudov

Farg‘ona viloyati IIB Birinchi mintaqaviy hudud patrul-post xizmati to‘rtinchi guruh haydovchisi, safdor Husniddin Mahmudov sport bilan do‘st tutingan va nufuzli musobaqalarda katta muvaffaqiyatlarga erishayotgan xodimlardan biri.

Ko‘p yillardan buyon sportning kikkoksing turi bilan shug‘ullanib kelayotgan Husniddin joriy yilning 13–17-sentabr kunlari poytaxtda bo‘lib o‘tgan xalqaro turnirda o‘z vazn toifasida ishtirok etib, yurtimiz sharafini munosib himoya qildi. 28 dan ortiq davlatlarning mohir sportchilari ishtirokida o‘tgan ushbu musobaqada u barcha raqiblarini dog‘da qoldirib, birinchi o‘rinni qo‘lga kiritdi.

Oltiariq tumanidagi Tinchlik shaharchasida tug‘ilib o‘sgan lavhamiz qahramoni tumanidagi kollejda o‘qib yurgan kezarida sportga mehri ortib, kikkoksing bilan shug‘ullanishni boshlagan. Murabbiylar Dilshodjon Azimov hamda Shuhrat Jo‘rayevlarning qimmatli o‘g‘itlari yutuqlarning bosh omili bo‘ldi.

Husniddinning sport bilan muntazam shug‘ullanishiga sabab, avvalo sog‘lom bo‘lish,

kelgusida ichki ishlar organlari safida xizmat qilish edi. Shu sababli harbiy xizmatga borib kelganidan so‘ng, orzulari sari dadil qadam tashladi. 2017-yil sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tib, ichki ishlar organlariga qabul qilindi.

Dastlab patrul-post xizmatida ish boshlagan bo‘lsa, ma‘lum muddat tezkor vazifalarni bajaruvchi safarbar otryadida ham faoliyat ko‘rsatdi. Keyin yana patrul-post xizmatiga qaytdi.

2020-yil kikkoksing bo‘yicha mamlakat chempioni bo‘lganidan so‘ng O‘zbekiston jismoniy tarbiya va sport universitetiga imtiyozli ravishda o‘qishga qabul qilindi. 29 yoshni qarshi olayotgan yurt posboni ayni paytda mazkur institutda sirdan tahsil olmoqda.

– Ichki ishlar organlariga xizmatga kirganimdan so‘ng

viloyat IIB rahbariyati oldimga bir muhim vazifani qo‘ydi, – deydi qahramonimiz. – Men tug‘ilib o‘sgan Tinchlik shaharchasida kriminogen vaziyat unchalik yaxshi emas, voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi ortib borayotgan edi. Shu sababli shahardagi 20-umumta‘lim maktabida kikkoksing klubi tashkil etildi. Klubga meni murabbiy etib tayinlashdi. Maqsadimiz klubga jinoyat va huquqbuzarlik sodir etishga moyil, uyushmagan yoshlarni jalb etish, ularning bo‘sh vaqtini mazmunli o‘tkazish hamda sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish edi. Rahbariyat bildirgan ishonchni oqlash uchun sportga ishtiyiq bor, tarbiyasi og‘ir va maktabdan chiqqach ko‘cha changitib yurgan bolalarni klubga jalb etdim. Ularni sport bilan do‘stlashtirish barobarida, salbiy illatlardan asrashga, vatan-



parvarlik ruhida tarbiyalashga harakat qildim. Hozir qo‘l ostimda 70 nafar shogirdim bor. Klub faoliyati yildan yilga yaxshilanib, hududda voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi sezilarli kamayib boryapti.

Husniddinning tinimsiz izlanishi bir necha yilda o‘z mevasini berdi. Uning shogirdlari nafaqat jinoyat ko‘chasidan uzoq bo‘lishdi, hatto ularning orasidan 1 nafar jahon chempioni, 3 nafar Osiyo chempioni, 6 nafar O‘zbekiston chempioni va ko‘plab xalqaro musobaqalar ishtirokchilari yetishib chiqdi.

Husniddin Mahmudov patrul sifatida xizmatni namunali

bajarishga ham, yoshlarga sport sirlarini o‘rgatishga ham, nufuzli musobaqalarga tayyorgarlik ko‘rishga ham vaqt topadi. Bulardan ortib, hamkasblariga qo‘l jangidan saboq ham berib kelmoqda.

Jamoatchilik asosida Farg‘ona viloyati kikkoksing federatsiyasi raisi o‘rinbosari vazifasini ham bajaradigan bu jonsarak yigit yaqinda Portugaliyada bo‘lib o‘tadigan jahon chepionatiga ham puxta tayyorgarlik ko‘rmoqda.

Doston BOZOROV,
leytenant.
Abduvosit SIDIQOV,
o‘z muxbirimiz.

Farg‘ona viloyati.

SOHAVIY XIZMATLARDA

BEPARVOLIK QIMMATGA TUSHISHI MUMKIN

Xorazm viloyati IIB JXX JTSB nazorat-litsenziyalash faoliyatini tashkil etish guruhi xodimlari profilaktika inspektorlari hamda Ovchilar va baliq ovchilari sport birlashmasining viloyat bo‘limi mutaxassislari bilan hamkorlikda fuqarolarga tegishli bo‘lgan ov va pnevmatik qurollar, o‘q-dorilarning belgilangan tartibda saqlanishi, ulardan foydalanish qoidalariga rioya etilishiga, qurol bilan bog‘liq bo‘lgan noxush holatlarning oldini olishga alohida e‘tibor qaratishmoqda.



– Pnevmatik va ov quroliga ega bo‘lgan har bir fuqaro doimiy ravishda qurol va unga tegishli bo‘lgan o‘q-dorilarni saqlash tartibiga qat‘iy rioya qilishi lozim, – deydi viloyat IIB JXX JTSB katta inspektori, kapitan Muzaffar Rahmonov. – Chunki bu boradagi har qanday beparvolik fojiali yakun topishi mumkin.

Joriy yilning o‘tgan davri tahliliga to‘xtaladigan bo‘lsak, 8356 ta pnevmatik hamda ov qurolining

saqlanishi, maxsus xona va seyflarning belgilangan qoidalarga asosan joylashishi, fuqarolarga berilgan maxsus ruxsatnomalarning amal qilish muddati o‘rganib chiqildi. Bu borada kamchiliklarga yo‘l qo‘ygan 546 nafar fuqaroga nisbatan belgilangan tartibda ma‘muriy bayonnomalar rasmiylashtirildi. Shuningdek, o‘tkazilgan tadbirlar davomida 41 ta pnevmatik qurol noqonuniy tarzda saqlanayotgani aniqlandi va qurol



egalari belgilangan tartibda javobgarlikka tortildi.

Profilaktik tadbirlarda viloyat hududidagi mavjud ixtisoslashtirilgan ovchilik do‘konlarida ov qurollari va o‘q-dorilarni saqlash tartibi ham o‘rganilib, mas‘ul shaxslarga belgilangan qoidalarga rioya etish yuzasidan tushuntirishlar berildi.

Mahallalarda, korxonalar va tashkilotlarda, o‘quv muassasalarida o‘tkazilayotgan profilaktik tadbirlarda hujjatsiz ov qurollarini saqlash belgilangan tartibda jinoiy javobgarlikka tortilishga sabab bo‘lishi, aksincha, bunday qurollarni o‘z ixtiyori bilan huquqni muhofaza qiluvchi organlarga topshirish javobgarlikdan ozod etishi bo‘yicha tushuntirishlar berilyapti. Buning natijasida fuqarolar tomonidan 30 ta ov quroli, 76 ta pnevmatik qurol

ichki ishlar organlariga topshirildi. Misol uchun, Yangibozor tumanidagi «Shoiralar» mahallasida yashovchi Q.Nigora joriy yilning 12-avgust kuni marhum turmush o‘rtog‘i S.N.ga tegishli bo‘lgan «TOZ-63» rumsimli hujjatsiz ov qurolini o‘z uyining yerto‘lasidan topib, ixtiyoriy ravishda tuman IIBga taqdim etdi.

Xizmat xodimlari tomonidan amalga oshirilayotgan sa‘y-harakatlar jinoyat va huquqbuzarliklar sodir etilishining barvaqt oldini olishda muhim ahamiyatga ega bo‘lmoqda.

Xudoybergan JABBOROV,
o‘z muxbirimiz.

Xorazm viloyati.

Suratlarda: viloyat IIB JXX JTSB nazorat-litsenziyalash faoliyatini tashkil etish guruhi xodimlari xizmat paytida.



«УЗБЕКИСТАН-2030» – НАРОДНАЯ СТРАТЕГИЯ

Шесть лет назад была принята Стратегия действий Узбекистана на 2017–2021 годы, вобравшая в себя пять приоритетных направлений социально-экономического развития. В рамках ее исполнения принято около 300 законов, свыше четырех тысяч указов и постановлений главы государства, направленных на коренное реформирование всех отраслей государственной и общественной жизни. В качестве логического продолжения утверждена Стратегия развития Нового Узбекистана, в которой выдвинут основной принцип «Государство для человека».

Она вобрала в себя предложения, поступившие в ходе обсуждения от представителей разных слоев населения, и свидетельствует о росте чувства сопричастности граждан к происходящим процессам. Большой интерес широкой общественности вызвали опубликованный Указ Президента Узбекистана «О Стратегии «Узбекистан-2030» и постановление главы государства «О мерах по качественной и своевременной реализации Стратегии «Узбекистан-2030» в 2023 году».

В принятом 11 сентября указе отмечается, что в обновленных конституционно-правовых условиях (30 апреля на референдуме была одобрена Конституция в новой редакции, а 9 июля состоялись выборы Президента) требуется усовершенствовать основные направления развития страны и вывести осуществляемые широкомасштабные реформы на новый этап.

Реализация всех целевых показателей является приоритетной задачей для всех государственных органов и организаций страны. Республиканская комиссия по реализации Стратегии во главе с премьер-министром Абдуллою Ариповым должна будет организовать исполнение мер, проконтролировать качество ведения проектов, отчитываться о результатах Президенту каждые полгода. Кабинет министров будет ежеквартально обсуждать ход реализации Стратегии и принимать меры в отношении членов правительства, включая министров, за несвоевременное и неполное исполнение мероприятий. Кроме того, каждые полгода правительство будет отчитываться о реализации Стратегии в Законодательной палате Олий Мажлиса.

Значительная часть Стратегии «Узбекистан-2030» направлена именно на выравнивание уровня и условий жизни населения по всей стране, включая самые отдаленные районы и населенные пункты. Ее главной целью является обеспечение до-

«Зеленая энергия», реализацию реформ в сфере охраны окружающей среды, предотвращение отрицательных последствий глобальных проблем, связанных с изменениями климата.

В качестве приоритетного направления развития обозначены задачи по обеспечению верховенства закона, созданию государственного управления, которое служит народу, совершенствованию общественного управления, реформированию судебно-правовой системы.

Последовательная реализация начатых реформ во многом зависит от мира и спокойствия в стране. Эти вопросы отражены в качестве отдельного направления. На проведение открытой, прагматичной и активной внешней политики, укрепление безопасности и оборонного потенциала страны, укрепление межнационального единства в обществе направлены 11 программных целей.

Согласно документу, с 1 октября 2023 года внедряется порядок ведения дела по социальным услугам

Поручено внедрить с 1 января 2024 года порядок покрытия государством расходов по обучению профессиям женщин, попавших в трудное социальное положение.

В своей предвыборной программе Президент поставил конкретные целевые задачи по коренному совершенствованию образования и медицины на последующий семилетний период. Они также нашли отражение в проекте Стратегии «Узбекистан-2030». В документе отмечены важные показатели в дошкольном, школьном, профессиональном и высшем образовании, которых предусмотрено добиться в предстоящий период. В частности, до 2030 года охват дошкольным образованием намечено довести с сегодняшних 80 до 100 процентов.

В целях повышения статуса педагогических кадров, приведения в соответствие с международными стандартами их знаний и квалификации одна тысяча воспитателей и учителей пройдет стажировку и повышение квалификации за рубежом. Для учащихся 715 общеобразовательных школ, расположенных в отдаленных и труднодоступных зонах, предусмотрена организация бесплатного автобусного обслуживания. Уровень охвата высшим образованием с нынешних 9 процентов будет доведен до 30 процентов. В Стратегии этот показатель намечено довести не менее чем до 50 процентов. Еще один важный для сферы вопрос – обеспечение студентов вузов общежитиями. В ближайшие семь лет предусмотрено строительство и ввод в эксплуатацию студенческих общежитий на 150 тысяч мест.

Укрепление здоровья населения, оказание качественных медицинских услуг – одна из приоритетных задач государства. В документ внесены важные целевые показатели по доведению продолжительности жизни населения до 78 лет, сокращению детской и женской смертности, снижению показателей онкологических заболеваний, проведению ежегодно не менее двух раз полного профилактического осмотра и оздоровления населения в возрасте от 55 лет и старше, формированию здорового образа жизни и правильного питания.

Принятая Стратегия является важной программой для каждого из нас. Она направлена на обеспечение прогресса Родины, интересов всех граждан. Для успешной реализации поставленных целей необходима консолидация усилий всего общества, сплоченность и единство действий.

Таким образом, в новой семилетней Стратегии сохраняются все те направления, по которым велась наиболее активная работа в последние годы. При этом критерии и ориентиры по ним значительно расширены по сравнению с тем, что уже сделано.

Соб. корр.

Стратегия «Узбекистан-2030» отображает следующие основные идеи:

- вхождение в число государств с доходом выше среднего путем устойчивого экономического развития;
- создание системы образования, медицины и социальной защиты, полностью соответствующей потребностям народа и международным стандартам;
- создание благоприятных экологических условий для населения;
- построение служащего народу справедливого и современного государства;
- гарантированное обеспечение суверенитета и безопасности страны.

Стратегия охватывает пять приоритетных направлений:

- создание достойных условий для реализации потенциала каждого человека;
- обеспечение благосостояния населения путем устойчивого экономического роста;
- сбережение водных ресурсов и охрана окружающей среды;
- обеспечение верховенства закона, организация государственного управления, ориентированного на служение народу;
- последовательное продолжение политики, основанной на принципе «безопасное и миролюбивое государство».



стойных условий жизни для всех жителей Узбекистана вне зависимости от места их проживания.

Для обеспечения благосостояния населения путем стабильного экономического роста предусмотрена реализация 17 целей, направленных на развитие экономических реформ, повышение доходов граждан, развитие передовых отраслей промышленности, внутреннего и зарубежного туризма, ускорение реформ в банковской сфере.

Еще одним из приоритетных направлений развития обозначены экономия водных ресурсов и охрана окружающей среды. В качестве актуальной в этом направлении поставлена задача повышения культуры использования воды. В документе нашли отражение 12 важных программных целей, направленных на широкое внедрение технологий

отдельно по каждой семье, попавшей в сложную жизненную ситуацию либо с высоким риском оказаться в такой ситуации. Предусмотрено оказание таких социальных услуг, как улучшение условий в семьях, их обеспечение лечебными, лекарственными средствами, устройство детей в дошкольные и школьные образовательные организации, предоставление материальной помощи. Работа по обеспечению лиц с инвалидностью протезно-ортопедическими, реабилитационными и лекарственными средствами будет организовываться поэтапно на основе «ваучерной» системы. При этом предоставляется возможность приобретения лицами с инвалидностью товаров и услуг у поставщиков, выбранных ими самими, расходы по которым покрываются за счет государственного бюджета.

TABIAT VA BIZ



Suv – bebaho ne'mat, tiriklik manbayi. Shu bois uning har bir tomchisini tejab-tergab ishlatmog'imiz bugun har qachongidan-da muhim ahamiyat kasb etib borayotir. Zero, dunyoning turli mintaqalarida toza ichimlik suviga ehtiyojmand insonlar soni tobora ko'payib borayotgani bizni hushyorlikka undashi lozim.

ERTAGA KECH BO'LADI...

So'nggi yillarda dunyo hamjamiyatini ichimlik suvi bilan bog'liq vaziyat xavotirga solib kelmoqda. Ekologik beqarorlik, iqlim o'zgarishi, suv resurslaridan noto'g'ri foydalanish ichimlik suvi yetishmovchiligiga sabab bo'lyapti. Bu millionlab kishilarning hayotini xavf ostiga qo'yibgina qolmay, xavfli ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini ham keltirib chiqarishi mumkin.

Xalqaro meteorologiya tashkiloti hisob-kitoblariga ko'ra, 2050-yilga borib dunyo aholisining 5 milliard yillar darajadagi ichimlik suvidan bebahra qolishi mumkin. Hozirgi paytdagi vaziyat ham havas qilarli darajada emas. Bugun Yer yuzidagi 2 milliardga yaqin kishi toza ichimlik suviga muhtoj, 2 milliard 300 milliondan ortiq odam sanitariya talablariga javob bermaydigan obi hayotdan iste'mol qilishga majbur.

BMT hisobotlariga muvofiq, sifatli ichimlik suvi bilan yetarli ta'minlanmaganlik va oqova suvlari tarmoqlarining ishlamasligi oqibatida har yili dunyoda 780 ming kishi dizenteriya va xolera (vabo)dan vafot etadi. Bu siyosiy nizolar, epidemiyalar va zilzilalar oqibatida halok bo'lganlar sonidan ham ko'p. Shuningdek, har yili dunyoda toza ichimlik suvi yetishmasligi oqibatida besh yoshdan kichik bo'lgan 361 ming bola diareya oqibatida dunyodan bevaqt ko'z yumadi...

Biz shunchaki ko'z yurgutirib o'qib ketayotgan bu raqamlar ortida qanchadan-qancha ko'zyoshlar, faryodlar, davosiz alam va iztiroblar yotibdi. Bu raqamlar har birimiz tabiatning bebaho ne'mati bo'lgan obi hayotdan tejamkorona, oqilona foydalanishga undaydi.

Bizdagi asosiy muammolar-dan biri suvni qay tarzda ishlatishimiz bilan bog'liq. Negaki, bugun dunyoning juda ko'p mamlakatlarida millionlab odamlar toza ichimlik suviga tashna bo'lgan bir paytda, biz suvni jo'mraklardan oqizib qo'yyapmiz. Ichimlik suvi bilan ekinlarimizni sug'oramiz, mashinamizni yuvamiz, suvni hovlilarimizga, ko'chalarimizga istaganimizcha sepamiz. Suvni belgilangan me'yoridan ko'p ishlatilishi oddiy holga aylangan.


Mutaxassislarning fikricha, artizian qudug'idan 20 daqiqa oqqan suv sarfi evaziga, tomchilatib sug'orish yo'li bilan 8,4 tonna bug'doy yoki 15 tonna kartoshka yetishtirish mumkin ekan. Shunday ekan, ichimlik suvini bugundan qadrlab, bu borada samarali chora-tadbirlar belgilab olishimiz lozim. Ya'ni, ertangi farovonlik yerosti suvlaridan unumli foydalanishga bog'liq ekanini aslo yoddan chiqarmasligimiz kerak.

– Suvni tejab eng og'riqli muammolarimizdan biri, – deydi poytaxtimizning Chilonzor tumanida yashovchi

75 yoshli otaxon Tohir Usmonov. – Oldinlari biz mashinamizni o'zimiz bir yoki ikki chelak suv bilan yuvardik. Shu bahona badantarbiya qilib, tanimiz ham tetiklashardi, ruhan yengil tortardik. Bugun 20 yoshning nari-berisida bo'lgan yoshlar ham ikki qo'lini cho'ntagiga solib mashina yuvish shoxobchasida ulovini yuvdirayotgani oddiy holga

aylandi. Ammo bu holat ommaviy tus olayotgani xatarli.

Ma'lumotlarga tayanadigan bo'lsak, avtomashina 15 daqiqa davomida rezina shlang bilan yuvilganida taxminan 120 litrdan ko'proq chuchuk suv sarflanadi. Xuddi shu ishni chelak yordamida amalga oshirganda esa 80 litrgacha suvni tejab qolish mumkin. Deylik, kirlarni yu-



aylandi. Men bu holni to'liq qoralashdan yiroqman. Albatta, kimdir shoshilinchda, yana biri boshqa sababga ko'ra mashinasini yuvdirar.

vish uchun bir haftada 1000 litrdan ko'proq suv sarflanadi. Yuz-qo'l va idishlarni yuvishda jo'mrakning doimiy ochiq turish holatida ham



► Suv tabiatda uch xil ko'rinishga ega. Ya'ni, qattiq (muz), suyuq va gaz holatida. Yer yuzida ekologik toza suv atigi 3 foizni tashkil etadi.

► Inson tanasining taxminan 60 foizi, chaqaloq tanasining 75 foizi suvdan iborat. Inson 60 yillik umri mobaynida taxminan 50 tonna suv iste'mol qiladi.

► Tanamizdagi suv miqdori atigi 2 foizga qisqarsa, aqliy imkoniyatlarimiz 20 foizga kamayadi.

► Quduq suvi dunyoda eng ko'p foydali moddalarni o'zida jamlagan suv hisoblanadi. Inson bunday aralashmani o'zi tayyorlay olmaydi.

haftasiga yana shuncha suv sarf bo'ladi.

«O'zsuvta'minot» AJ ma'lumotlariga ko'ra, markazlashgan ichimlik suvi bilan ta'minlangan aholi punktlarida, sanoat korxonalarini va boshqa iste'molchilarni chiqarib tashlaganda, respublika bo'yicha kunlik bir kishiga iste'mol o'rtacha 99,2 litrga to'g'ri keladi. Shuningdek, respublikaning o'lis hududlarida joylashgan va markazlashgan suv ta'minotiga ega bo'lmagan aholi punktlariga ichimlik suvi hududiy suv ta'minoti tashkilotlariga tegishli 220 ta, boshqa yuridik va jismoniy shaxslarga tegishli 1701 ta maxsus texnika vositalari yordamida yetkazib beriladi.

Muqaddas dinimiz ta'limotida ham suvni isrof qilmaslik borasida so'z yuritiladi. Zero, isrofgarchilikdan qaytarish sharqona tarbiyamizning ham asosini tashkil etadi.

Xulosa o'rnida aytish lozimki, suvdan foydalanish madaniyatini, avvalo, oilada, qolaversa, bog'cha, maktab, oliy ta'lim dargohlarida o'rgatish kerak. Zarur bo'lsa, bu bo'yicha o'quv qo'llanmalari, darsliklar, videoroliklarni yanada ko'paytirish lozim. Eng asosiysi, bu xayrli ishga bugundanoq qo'l urmoq zarur. Aks holda, ertaga kech bo'ladi.

Sherzod ABDUSAMADOV,
o'z muxbirimiz.



OCHIQ OVOZ BERISH ORQALI



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 3-fevraldagi «Internet tarmog'ida sodir etilayotgan huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi qarorida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida joriy yilning 18-sentabridan 26-sentabriga qadar Navoiy viloyatida Kiber haftalik, ya'ni «CYBER WEEK» o'tkazildi.

Mazkur tadbirlar doirasida viloyatning besh yuz mingdan ortiq aholisi qamrab olindi. Targ'ibot tadbirlari korxonalar, tashkilotlar, ta'lim muassasalari, hatto bozorlar va istirohat bog'larida ham tashkil etildi.

Tadbir davomida fuqarolarning huquqiy madaniyatini oshirish hamda jinoyat va huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olishga qaratilgan tanlov g'oliblari 7 ta nominatsiya bo'yicha taqdirlandi. Tanlovga jo'natilgan materiallar saralanib, ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirildi hamda ochiq ovoz berish yo'li bilan g'oliblar aniqlandi.

Jumladan, «Eng faol mahalla profilaktika inspektori» nominatsiyasi



bo'yicha Zarafshon shahar IIB JXX HPB profilaktika inspektori, katta leytenant Bahodir Axmatov g'olib deb topildi. Ikkinchi o'rin Uchquduq tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, kapitan Bobur Ibragimovga, uchinchi o'rin esa Xatirchi tumani IIB JXX HPB profilaktika inspektori, katta leytenant Begali Mirzayevga nasib etdi.

G'oliblar viloyat Ichki ishlar boshqarmasining diplom hamda qimmatbaho sovg'alari bilan taqdirlandi. Fuqarolarni kiberjinoyatlardan ogoh qilish yo'nalishidagi bunday tadbirlar ularning mulkiy hamda iqtisodiy

jinoyatlar qurboniga aylanib qolishidan saqlash uchun xizmat qiladi.

Mahliyo MIRZAYEVA,
podpolkovnik.

Navoiy viloyati.

TERRORIZM BALOSIDAN ASRAMOQ UCHUN

Dunyoning turli mintaqalarida odamlar boshiga dahshatli kulfatlar solayotgan terroristik va ekstremistik oqimlar o'z maqsadlarini amalga oshirish jarayonida zamonaviy texnologiya va uslublardan tobora ko'proq foydalanayotgani hech kimga sir emas. Chunonchi, ushbu buzg'unchi kuchlar internet va ijtimoiy tarmoqlar orqali fuqarolarni o'z tomonlariga og'dirish hamda saflariga qo'shishga harakat qilmoqdalar. Shuningdek, xorijga ishlash uchun chiqib ketganlar ularning «o'lja»lariga aylanmoqdalar. Pirovardida migrantlarni jangovar harakatlarga jalb etish holatlari ham kuzatilyapti.

Jumladan, ayrim yurtdoshlarimiz diniy bilimlarning sayozligi tufayli xalqaro terrorchilik tashkilotlari va missionerlar ta'siriga tushib qolmoqdalar. Binobarin, joriy yilning o'tgan davrida Jizzax viloyatida terrorizmga oid 21 ta jinoyat ishi qo'zg'atilgan. Mazkur holatlarning 14 tasi ijtimoiy tarmoq, 7 tasi esa mehnat qilish uchun xorijga chiqqan shaxslar bilan bog'liq, 75 foizi taqiqlangan diniy materiallarni tarqatish tarzida amalga oshirilgan.

Qolaversa, noqonuniy diniy ta'lim berishga (hujra) doir 17 ta qonunbuzarlik kuzatildi. Ushbu hujralarda o'qiganlarning 33 nafarini ayollar, 29 nafarini voyaga yetmaganlar tashkil etgan. Xuddi shunday,



ayrim ota-onalar farzandlarini noqonuniy ravishda xorijga diniy ta'lim olish uchun yo'llayaptilar. Bu jihat voyaga yetmaganlarning turli buzg'unchi kuchlar ta'siriga

tushib qolishlari ehtimolini orttiradi.

Shu o'rinda aytish joiz, joriy yilning o'tgan davrida DXX viloyat boshqarmasi vakillari bilan hamkorlikda o'tkazilgan

tezkor tadbirlar davomida bolalarning xorijda noqonuniy diniy ta'lim olishlariga doir 7 ta qonunbuzarlik aniqlandi. O'z navbatida 7 nafar ota-ona farzandlari tarbiyasiga

mas'uliyatsizlik bilan yondashganligi uchun ma'muriy javobgarlikka tortildi.

Bu kabi huquqbuzarlik va jinoyatlarning oldini olish maqsadida Jizzax viloyati IIB TQX Terrorizmga qarshi kurashish boshqarmasi xodimlari tomonidan muntazam ravishda targ'ibot tadbirlari o'tkazilmoqda. Bunday profilaktik tadbirlar davomida terrorchi va ekstremistik tashkilotlarning maqsadlari, ularning a'zolari tomonidan amalga oshirilayotgan xunrezliklar, mazkur turdagi jinoyatlarni sodir etish oqibatlari tushuntirilyapti. Ayni maqsadda ommaviy axborot vositalarida 34 marotaba chiqishlar qilindi. Bir so'z bilan aytganda, yurtdoshlarimizni terrorizm va ekstremizm balosidan asramoq bundan buyon ham faoliyatimizning asosi bo'lib qolaveradi.

Behzod BOSHMONOV,
kapitan.
Ma'rufxon HAMIDOV,
katta leytenant.

Jizzax viloyati.

■ г. Ташкент

ТОНКОСТИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО АСПЕКТА

В рамках дня профилактики в общеобразовательной школе № 239 Юнусабадского района столицы с участием инспектора-психолога по вопросам несовершеннолетних лейтенанта Хадичы Абдувохидовой прошло мероприятие со старшеклассниками на тему «Нет – насилию».



Участникам встречи дана подробная и познавательная информация о том, как не оказаться жертвой торговли людьми, не попасть в ловушки преступников, пропагандиру-

ющих идеологию терроризма и экстремизма. Важная роль в предупреждении правонарушений несовершеннолетних отводится в первую очередь родителям. При

отсутствии контроля со стороны взрослых, подростки совершают правонарушения и преступления. В большинстве своем преступная деятельность несовершеннолетних яв-

ляется групповой, носит корыстный характер и объясняется стремлением к удовлетворению своих потребностей.

Задача проводимых мероприятий состоит в

вовлечении подростков в организованные формы досуга и занятости, проведении правовой пропаганды, выявлении и пресечении правонарушений.

На особом контроле находятся молодые люди, состоящие на профилактическом учете в УКД ОВД Юнусабадского района. С ними проводятся индивидуальные беседы, оказывается психологическая поддержка, также изучаются домашние условия. Важно направить максимум усилий на воспитание подрастающего поколения. В основу этой деятельности положен принцип постоянной заботы о будущем ребенка.

В ходе состоявшегося мероприятия учащиеся получили ответы на заданные вопросы.

Гулжихан ЗАРИМОВА,
подполковник.



Женщины в погонах

СЕСТРЫ-ДВОЙНЯШКИ НА СТРАЖЕ ПРАВОПОРЯДКА

У полковников Ильсии Байкабиловой и Луции Мадрахимовой не только один день рождения на двоих, но и одна служба во благо Родины.

В семье Байкабиловых 10 февраля 1975 года произошло важное событие. К трем девочкам сразу прибавились еще две – Ильсия и Луция. Сестры-двойняшки ходили в один детский сад, в одну школу, одинаково одевались. И сейчас эта традиция берет свое продолжение, обе они служат в органах внутренних дел.

Сестрам с детства хотелось связать судьбу с правоохранительными органами, поэтому сразу после окончания общеобразовательной школы, не раздумывая, они поступили в Академию МВД Республики Узбекистан.

То время было становлением самого учебного заведения. Ильсия и Луция прошли обучение, получили юридическое образование и закалку в первой группе девушек. Получив дипломы, молодые лейтенанты приступили к службе. Ильсия в 1996 году была назначена следователем следственной группы ОВД на станции «Сергели» при УВД на транспорте. Луция в это же время приступила к работе следователем СО на железнодорожном вокзале «Центральный» при УВД на транспорте.

Девушкам было непросто. Но шло время, приходил опыт. Далее Ильсию назначили старшим следователем следственной группы на станции «Келес», а Луцию – старшим следователем ОВД



Ташкентского аэропорта. Сестры медленно, но верно поднимались по карьерной лестнице. На протяжении долгого времени Ильсия служила в должности старшего следователя СО при УОБТ, а Луция – старшим следователем СО при ЛОВД аэропорта.

Окружающим не всегда удается различить двойняшек. Сестры похожи друг на друга не только внешне. Их судьбы тесно пере-

плетаются, да и по жизни они идут рука об руку – обе служат в следственном управлении Департамента по обеспечению безопасности на объектах транспорта и туризма МВД Республики Узбекистан.

В настоящее время Ильсия Байкабилова – старший следователь контрольно-методического отдела СУ, а Луция Мадрахимова – следователь по особо важным

делам. Сестры искренне верят, что вносят свой вклад в защиту граждан.

При взгляде со стороны сестры неразличимы, но уверяют, что родные и близкие друзья запросто отличают. Зато другим приходится тяжело – даже коллегам по работе с профессионально-наметанным глазом. Они их часто путают, не подозревая, что встретили не того, о ком думали. Но Ильсия и Луция уверяют, что по работе своим сходством не пользуются.

– По долгу службы мне пришлось знакомиться с огромным количеством людей, находить общий язык, что позволило накопить бесценный опыт, – рассказывает полковник Ильсия Байкабилова.

– В работе люблю порядок, ведь нам нельзя упускать ни единого документа, который поступил от гражданина, – продолжает полковник Луция Мадрахимова. – Мы контролируем следственные дела, проводим тщательный анализ. Служба многогранна, порой приходится сталкиваться с целой цепочкой задач разной сложности.

Сестры признаются, что никогда не сомневались в том, что сделали верный выбор профессии. Так устроена их жизнь: всегда быть рядом, стараться во всем друг друга поддерживать.

Азиза БОХОДИРОВА,
капитан.



MA'RIFAT BO'STONI

QALBGA JOYLANGAN SAVOL

– Bobojon, nimalar deb pichirlayapsiz? – so'radi nabira hayron bo'lib.

– Ko'nglimga savol joylayapman, bolajonim, – javob qildi qariya.

– Bu nima degani? – ko'zlarini katta-katta ochdi bolakay.

Bobo nim tabassum qilib, shunday dedi:

– Masalan, bugun menga pand bergan qo'shnim bilan urishish niyatim yo'q, lekin nima qilishni bilmayapman. Xuddi shu fikrni qalbiga joylab, uyquga ketaman. Tong otganida esa ko'nglim menga qanday yo'l tutishni ko'rsatadi.

– U buni qayoqdan biladi?

– Inson qalbi hamma narsani biladi. Men bir umr undan nimadir o'rganib yashadim. Senga ham shuni maslahat beraman: qiyin savolga javob izlaganda, biron masalada



ikkilanib turganingda – qalbingdan so'ra, u senga to'g'ri javobni aytadi. Faqat bunga chin ko'ngildan ishonishing kerak.

HAR KIM OLAMNI TURLIQA QABUL QILADI

Shahar darvozasi yonida bir chol o'tirardi. Shu yerdan o'tib ketayotgan sayohatchilardan biri unga yaqinlashdi. Yigitning uzoqdan kelayotgani ko'rinib turardi.

– Men bu joyda hech qachon bo'lmaganman va uning urf-odatlarini bilmayman. Aytinch, otaxon, bu shaharda qanday insonlar yashaydi? – so'radi u qariyadan.

– Sen kelayotgan shaharda qanday odamlar istiqomat qilardi? – javob berish o'rniga savol bilan murojaat qildi chol.

– U yerda juda badjahl va xudbin kishilar ko'p edi va men hech afsuslanmay shaharni tark etib keldim.

– Attang, yigitcha, lekin bu yerda ham xuddi shunday insonlarni uchratasan.

Bir qancha vaqt o'tib, boshqa bir sayohatchi qariyaga yana aynan o'sha savolni berdi. Chol ham undan ilgari yashagan diyoridagi odamlar haqida so'radi.

– U yerdagi aholi juda mehmondo'st, bag'rikeng va mehribon edi. Ularning ko'pi bilan qalin do'st bo'lib ketgandim va u yerdan ketish men uchun ancha qiyin kechdi.

Qariya yuziga tabassum yugurib:

– Bu yerda ham xuddi shunday insonlarni uchratasan, – dedi.

O'z mahsulotlarini shu

shaharga olib kelayotgan savdogar har ikki suhbatning guvohi bo'libdi va hayron bo'lib qariyaga murojaat etdi:

– Siz ikki kishining bir xil savoliga turlicha javob qaytardingiz. Nega?

– Har bir insonning qalb olami o'ziga xos. Agar kimdir ilgari yashagan joyidan hech

bir ezgulik topa olmagan bo'lsa, bu yerdan ham topishi dargumon. Kimki do'stlari davrasida baxtiyor yashagan bo'lsa, bu o'lkada ham yaxshi insonlar mehridan bahramand bo'ladi. Chunki har kim ichki dunyosi qanday bo'lsa, atrofdagi odamlarni ham xuddi shunday qabul qiladi.



Sahifani Gulchehra AZIMOVA tayyorladi.

TOPDI...

Qo'shnimiz yangi dorixona ochgan ekan. Borib ko'rdik, qutladik. Qarasam, bino peshtoqida katta-katta bo'rtma harflarda «Arzon Apteka» yozuvi. Yozuvdagi mitti chiroqchalar o'chib-yonib turibdi.

– «Apteka»ning o'zbekchasi «dorixona» bo'ladi-ku, – dedim. – Iloji bo'lsa to'g'rilab qo'ying.



– Shunaqami?.. Attang, ikkita bir xil harf odamlarning e'tiborini jalb qilardi-da, – deya afsuslanib bosh chayqagancha o'ylanib qolgan qo'shni birdan o'zimizga murojaat qilib qoldi: – Unda «D» bilan boshlanadigan boshqa so'z topib beringlar, «arzon» ma'nosini bersin.

Kimdir hazil qildi:

– Darzon.

Boshqalar payrovni ilib ketishdi:

– Da-a... arzon...

– Darmon...

– Dim arzon...

Xullas, bunaqa so'z topolmagach, o'ylab ko'rishga va'da berib, xayrlashdik.

Oradan bir haftacha vaqt o'tdi.

Yangi dorixona tushgan yo'ldan o'tayotсам, eshik yonida qo'shnim turibdi gerdayib. Meni ko'rib u olisdanoq baqirdi:

– Topdim! O'zim topdim axiyri! Oddiygina so'z ekan-u...

Qo'shnim nimani aytayotganini anglab, dorixona peshtoqiga qaradim. Unda ulkan bo'rtma harflardagi «Deshoviy Dorixona» yozuvi chiroqchalari o'chib-yonib turardi...

Abduqayum YO'LDOSHEV.

BOADABLIK INSONNI BEZAYDI

■ Kimnidir hurmat qilish yoki qilmaslik – sening ishing. Hurmatli munosabatda bo'lish esa – tarbiyang.

■ Qalbdagi xotirjamlik boshdagi o'y-fikrlarga bog'liq.

■ Yaxshi inson o'z nutqida kamtar, biroq ezgu amallarida jur'atli bo'ladi.

■ Hayot yo'lida yangi maqsad qo'yish yoki yangi orzuga ega bo'lish uchun hech qachon kech emas.

■ Do'stlarni o'zimiz tanlaymiz, ammo vaqt ularning eng sarasini qoldiradi.

■ Ko'ringaningdan ko'ra ko'proq aqlga ega bo'l, bilganingdan ko'ra kamroq gapir.

■ Boadablik shaharlarni zabt etishga qodir. Ushbu xislatdan tez-tez foydalanib tur. Shuningdek, u insonni bezaydi va fayz baxsh etadi.

■ Tinglashni o'rgan, shunda hatto eng noto'g'ri, yomon so'zlardan ham naf olishga erishasan.

★ Mardlar qo'riqlaydi Vatanni!

Namangan viloyatining Yangiqo'rg'on tumanida tug'ilgan Azizbek Hasanov IIV Qorovul qo'shinlariga qarashli Navoiy viloyatida joylashgan 7532-harbiy qismda muddatli xizmatni o'tagach, shartnoma asosida xizmatni davom ettirishga qat'iy ahd qildi. Bu yerda ustozlari yordamida kasb sirlarini puxta o'zlashtirgan oddiy askar A.Hasanov keyinchalik Andijondagi 7553-harbiy qismda xizmatni davom ettirdi. Oradan biroz vaqt o'tib, u zirhli transportyorlar mexanik-haydovchilarini tayyorlash bo'yicha kursda tahsil oldi. Mashg'ulotlar Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurtida olib borildi. O'qishni tamomlagach, unga jangovar mashina birlashtirildi.

HARBIYLIK SHARAFI



– Harbiy qismda samarali xizmat qilish, maroqli hordiq chiqarish uchun kerakli sharoitlar muhayyo qilingan, – deydi oddiy askar Azizbek Hasanov. – Kutubxonada badiiy va o'quv adabiyotlari, ko'plab davriy nashrlar jamlangan. Viloyatda joylashgan tarixiy-madaniy joylarga, muzey va teatrlarga tez-tez

sayohatlar tashkil etilib, turli sport musobaqalari uyushtiriladi.

Harbiy qismda Vatan hi-moyachilari va ularning oila a'zolarini ijtimoiy jihatdan qo'llab-quvvatlash yo'lida ham bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Masalan, bo'sh ish o'rinlari yarmarkalari muntazam tashkil etilib, harbiy xizmatchilarning oila a'zolari ish bilan ta'minlanayapti.

O'z muxbirimiz.

Andijon viloyati.



Suratda: oddiy askar A.Hasanov xizmatdoshlari – 3-darajali serjant Muhammadtohir Ibragimov va 2-darajali serjant Mag'rurbek Turobjonov bilan.

– Xizmat majburiyatlarini mas'uliyat bilan ado etadigan bu yigitga birlashtirilgan harbiy texnika jangovar topshiriqlarni bajarishga doim shay holatda, – deydi harbiy qism komandirining o'rinbosari, podpolkovnik Azizjon Yusupov. – Mashg'ulotlardan bo'sh paytlarida u sport bilan shug'ullanadi. Jismoniy tayyorgarligini yanada oshirish bilan birga, o'quv xonasida ma'naviyat va ma'rifat bo'yicha navbatdagi mashg'ulotlarga hozirlik ko'radi.



✓ Turmush chorrahalarida

To'lin oy ariqdagi suvda yuzini chayar, tun yarmidan og'gan. Uch do'st qovun jo'yaklariga suvni tarab qo'yishgan, qumg'onda choy biqir-laydi. Erkin uning tagiga har zamonda yulg'un shoxidan tashlab qo'yadi. Bir payt o'qariqdagi suv kamaya bosh-ladi. Hakim jo'ralariga qarab:

– Obbo, zang'ar, Sami yana suvni bo'g'di, yoqalamasak bo'lmaydi, – dedi.

Uchovlon ketmonlarini yelkasiga tashlab, yo'lga tushdi. Nariroqdagi zovur bo'ylaridan chiyabo'rilarning mungli uvlashi eshitilar, dala chetidagi butalarda chigirtkalar chirillashi bir laha ham tinmasdi. Yozning so'lim oqshomi emasmi, oy nurida qovun paykallari qator bo'lib jilvalanadi, ariqdagi suv go'zal tus olgan.

Ularning yo'li burildi. Yon tomondagi beton lotok yo'lni ikkiga bo'ldi. Hakim, Jumaboy, Erkin yo'ldagi quloqlarni damba-dam qarab, har ehtimolga qarshi chim bosib ketishardi...

Bir payt lotokning narigi betidagi qarama-qarshi tomonda bir sharpa sezildi. Odatda bu paytda dalaga suv taragan yoki ekinga qorovullik qiladigan odamlar aylanib yurishadi. Sharpa yaqinlashib kelar ekan, ortida ikkita molni yetaklab olgani ma'lum bo'ldi. Jumaboy yaxshi ko'rgan qizini ko'rib kelish uchun

«Ural» motosiklida shaharga borib kelganini maqtanishdan to'xtamasdi. Mol yetaklagan odam narigi betdan sekin o'tib keta boshladi. Uning yuzi ko'rinmadi. O'tar ekan:

– Hormanglar, qaytayapsizlarmi? – deb qo'ydi. Uchovlon unga javoban salom berib, o'tib ketdi. Bir payt Hakim hushyor tortdi. «Iye, yarim kechasi kim molini arqonlash uchun dalaga haydaydi?» degan fikr o'tdi xayolidan.

– To'xtanglar, bu kim bo'ldi? Tun yarmida nima qilib yuribdi? – deya sheriklarini to'xtatdi.

Ular allaqachon yigirma qadamcha uzoqlashgan odam tomon ortga burilishdi.

– Hoy, kimsiz? Yo'l bo'lsin, aka? – Hakimning ovozi tun qo'ynida ottilgan miltiqday jarangladi.

Sharpa indamay yo'lida davom etaverdi. Hakim o'jar chiqib qoldi.

– Iye, to'xtang, kimsiz? – bu safar uning ovozi tashvishliroq chiqdi. Yaqinlashgani sari sharpaning o'rta bo'yli ekanligi, oqish shim, yengi kalta ko'ylak kiyib olgani ma'lum bo'ldi. Bir payt uning yo'lidan aylanasi ikki-uch metrlik ko'lmak chiqdi. Ariq yo'lni kesib o'tadigan joydan mashinalar o'taverib, xalqo'ba aylantirgandi. Notanish odam oyog'iga suv kirayotganiga ham parvo qilmay, ko'lmakdan kechib o'ta boshladi-da, quruq yerga qadam qo'yishi bilan, mollarning arqonini tashlab, ura qochdi. Shu zahoti uch do'st uning ortidan yugurdi. Kimsa jon talvasasida yugurar, navqiron yigitlar unga yeta

olmas, ortidan so'kinib borishardi. Birinchi bo'lib Jumaboy holsizlanib, ortda qoldi. Keyin Erkinning nafasi bo'g'ziga tiqildi. Biror chaqirim quvgach, Hakim ham noiloj to'xtadi.

Qochgan inson mol o'g'risi ekaniga shubha yo'q edi. Ular ortga, tashlab ketilgan mollarning oldiga kelishdi. Erkin paykal boshida qoldirgan mollaridan tashvishlanib qoldi. Go'yoki o'g'ri uning ham mollarini o'g'irlab ketadiganday, tinimsiz Jumaboyni chaylaga qaytishga undardi. Ular Hakimning hay-hayiga qaramay, chaylaga qaytishdi. Hakimjon esa tashlab ketilgan mollar bilan qolishga majbur bo'ldi. Qarasa, ikkita yaxshigina ola g'unajin. Noiloj mollarni arqonidan sudragudek bo'lib qishloq tomon yo'lga tushdi...

Ertasi kuni sahardan kim ko'rinsa, ikkita mol topib olinganini aytib, egasi bo'lsa, kelib olib ketsin, deya tayinlayverdi. Kun tushdan og'ganda, Hakimning uyiga ust-boshi yupun, ko'rinishi aftodahol insonlar kelishdi. Ular Tojikistonning G'o'lakandozidan dehqonchilik uchun Beshqo'tonga kelishgan ekan. O'g'ri yarim kechada mollarni o'g'irlab, chegarani kesib o'tgan. Yo'lida hech kim uchramaydi, deya yarim tunda molni dalama-dala haydagan. Lekin unga qarshi uch do'st ro'para bo'lgan...

Abdurahmon MUSTAFOQULOV.


Sirdaryo viloyati.

SUV YOQALAB



 Sportni sev, sport bilan yasha!

KUCH VA MAHORAT BAHSI



Qarshi shahridagi «Geolog» sport majmuasida vazirlik tarkibiy tuzilmalari va hududiy bo'linmalari terma jamoalari o'rtasida sportning sambo va jangovar sambo turlari bo'yicha Ichki ishlar vaziri kubogi musobaqasi bo'lib o'tdi.

Dastlab vazn o'lchash va qur'a tashlash marosimlari o'tkazildi. So'ng sport marshi sadolari ostida maydonda barcha jamoalar saf tortdi.

Musobaqada 20 ta jamoa polvonlari 7 vazn toifasida g'oliblik uchun gilamga tushdi. To'rt kun davom etgan, qizg'in bahs, murosasiz bellashuvlarga boy kechgan musobaqada ishtirokchilar bor mahorat va tajribalarini ishga solib, g'oliblik uchun kurashdilar.

Yakuniy natijalarga ko'ra, sambo bo'yicha IIV huzuridagi Jazoni ijro etish departamenti jamoasi vakili, safdor Asad Obidov (58 kg), Toshkent shahar IIBB jamoasi a'zosi, kichik serjant Qobiljon Ahmedov (64 kg), Qashqadaryo viloyati IIB vakillari – safdor Shohruz Nosirov (71 kg) va kichik serjant Arslonbek Tojiyev (79 kg), Buxoro viloyati IIB jamoasi vakillari – kichik serjant Xudoyor Ibroyimov (88 kg) va serjant Nurbek To'rayev (+98 kg), Surxondaryo viloyati IIB vakili, serjant Shermuhammad Jandrev (98 kg) o'z vazn toifalarida g'oliblik shohsupasidan joy oldi. Umumjamoa hisobida esa mezbon jamoa birinchi o'rinni egalladi.

Jangovar sambo bo'yicha musobaqalarda Farg'ona viloyati IIB jamoasi a'zosi, serjant Lutfullo Saydamatov (58 kg), IIV huzuridagi Jazoni ijro etish departamenti jamoasi vakillari – safdor Muhammadali Sa'dullayev (64 kg), leytenant Sohob Hasanboyev (88 kg) va safdor Beknazar To'raqulov (+98 kg), Buxoro viloyati IIB jamoasi a'zosi, serjant Sharif Qo'shayev (71 kg), Samarqand viloyati IIB vakili, katta leytenant Furqat Ro'ziyev (79 kg), Toshkent shahar IIBB jamoasi a'zosi, kichik serjant Ozodbek Murotov (98 kg) birinchi o'rinni qo'lga kiritdi. Umumjamoa hisobida Jazoni ijro etish departamenti jamoasi zafar quchdi.

G'olib jamoalar va sovrindor polvonlar Ichki ishlar vazirligining kubogi, diplom, medal va qimmatbaho sovg'alari bilan taqdirlandi.

Sodiq RAHIMOV,
o'z muxbirimiz.

Qashqadaryo viloyati.



XAVFLI XASTALIKDAN SAQLANING

Quturish insoniyat uchun qadimdan ma'lum bo'lgan 4 000 yillik tarixga ega kasallik hisoblanadi. Xastalikning odam va hayvonlardagi o'lim ko'rsatkichi 100 foizni tashkil etadi. Global miqyosda anchayin tahdidli kasallik tufayli yer yuzida har yili taxminan 60 000ga yaqin inson hayotdan ko'z yumadi.

Quturish sut emizuvchilarning (it, mushuk, tulki, bo'ri va boshqa), shu jumladan inson markaziy asab tizimiga ta'sir qiluvchi virusli kasallikdir. Quturish virusi asosan, qarovsiz qolgan itlar so'lagida uchraydi va ularning tishlashi natijasida yuqadi.

Kasallikning ilk belgilari tishlashdan keyin bir necha kundan bir necha yil o'tgach ham paydo bo'lishi mumkin. Dastlabki belgilari tishlangan joyda qichishish hissi paydo bo'ladi, isitma, bosh og'rig'i, mushak og'rig'i, ishtahaning yo'qolishi, ko'ngil aynishi va charchoq bezovta qiladi.

Bir necha kundan keyin esa asabiylashish yoki tajovuzkorlik, haddan tashqari harakatlar yoki qo'zg'alishda chalkashlik, g'alati fikrlar yoki gallyutsinatsiyalar

namoyon bo'ladi. Shuningdek, mushaklarning spazmlari va g'ayri-oddiy harakatlar, nutqda tutilishlar, zaiflik yoki falajlik kuzatiladi. Yorqin yorug'lik, tovushlarga haddan tashqari sezgirlik, gidrofobiya (suvdan qo'rqish) bora-bora nafas olish va yutishning qiyinligi, og'izda ko'p so'lak ajralishi bilan kechadi.

Kasallik belgilari yuzaga chiqqan odam va hayvonda bir necha kundan so'ng o'lim holati yuz beradi.

Kasallikni yo'q qilish mumkinmi?

Ha, yo'q qilish mumkin va bunga G'arbiy Yevropa, Yaponiya, Shimoliy Amerika, Janubiy Amerikada erishilgan. Bu mamlakatlarda uy hayvonlari ayniqsa, itlarni quturishga qarshi vaksina bilan emlash ishlari ommaviy ravishda olib borilgan.



Demak, uy hayvonlarini kasallikka qarshi vaksinatsiya qildirib, e'tiborli bo'lishimiz talab etiladi. Ko'pincha ko'cha-ko'yda, it yoki mushuk yetaklab yurgan yurtdoshlarimizga ko'zimiz tushadi. O'sha atrofda yurgan bolalarning qiziquvchanligi ustunlik qilib bu beozor hayvonlar bilan o'ynagisi keladi. Hatto ularni erkalatishlari ham mumkin. Ota-

onalar va kattalar bunday holatlarga juda katta ahamiyat berishi zarur. Uy hayvonlarini vaqtida emlash esa, yuqorida ta'kidlaganimizdek, xastalikning oldini olishda muhim o'rin tutadi.

Tohirjon RAHMONOV,
Namangan viloyati IIB Tibbiyot bo'limi SENM shifokor-epidemiolog yordamchisi.

Помощники иммунной системы

Наша первая линия защиты от любой болезни или инфекции – это собственная иммунная система. Натуральные антибиотики смогут повысить способность вашего тела бороться с любыми недугами. Включение этих продуктов в ваш рацион поможет укрепить иммунную систему и помешать бактериям закрепиться.

Чеснок и лук. Как чеснок, так и лук обладают противогрибковыми, противовирус-



ными и антибактериальными свойствами. Их использовали в качестве естественного антибиотика в течение многих сотен лет. Это благодаря соединению под названием аллицин.

Корень имбиря. Его можно употреблять в свежем, сушеном или порошкообразном виде. Он является мощным



антибиотиком, болеутоляющим и противовоспалительным средством.

Пчелиный мед. Это также мощный натуральный антибиотик, который можно использовать как основу для множества рецептов. Мед со-



держит антиоксиданты и противовоспалительные вещества, которые предотвращают окисление и повреждение клеток свободными радикалами и токсинами.

Тимьян. Эфирное масло тимьяна является естественным противомикробным и антисептическим средством.

Гвоздичное масло. Густой маслянисто-пряный аромат гвоздики обладает антибактериальным свойством и



противовирусной защитой. Оказывает сильное общеукрепляющее действие. Применяется при воспалении ротовой полости и горла.

Перец чили. Острые семечки перца содержат антибактериальные и антиоксидантные эфирные масла и фитохимические вещества. Как и имбирь, чили стимулирует иммунную систему и применяется для лечения простудных заболеваний.



Куркума. Куркума – противопростудное растение. Куркумин, содержащийся в корне, обладает антиоксидантным и противовоспалительным действием. Имбирный чай с куркумой является проверенным средством от простуды и гриппа.

Упражнения для снятия заложенности носа



Упражнения очень простые. Особенно они актуальны в период ОРВИ и простуд.

Для начала сделайте спокойный вдох-выдох носом и зажмите его пальцами. Кивайте головой до тех пор, пока вам не захочется сделать спокойный вдох. Кивок должен выполняться не вперед, а с запрокидыванием головы назад. Перестало хватать воздуха – дышите. Убираете руку и делаете спокойный вдох через нос.

Второе упражнение – круговые движения пальцем с нажимом на ноздрю. 10-15 раз по часовой стрелке, затем против. Сначала поодиночке, затем обе ноздри одновременно. Также позволяет дышать носом, снимая отек и упрощая процесс сморкания.

Упражнения повторяйте почаще. Оптимальный вариант – каждые полтора часа. Или в тот момент, когда нос резко заложило и вы не можете дышать.

Если вы часто сталкиваетесь с проблемой насморка – обратитесь к ЛОРу, чтобы доктор выявил проблему и помог ее устранить. Ведь дышать свободно и не испытывать дискомфорта – значит жить полной жизнью.

При необходимости проконсультируйтесь с врачом.

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ОБЕСПЕЧИВАЕТ УСПЕХ ДЕЛА

Цифровизация является одним из главных факторов экономического прогресса. Она особенно важна в тех сферах, где оперативность передачи информации обеспечивает успех дела. Поэтому в правоохранительных органах внедрению IT-технологий придается большое значение.

В этом отношении в Бухарской области накоплен передовой опыт, достойный для изучения и распространения. Сотрудники отдела информационных технологий, связи и защиты информации областного УВД осуществляют масштабную работу по созданию в махаллях безопасной среды.

– По итогам минувшего года 26 махаллей 13 городов и районов области признаны неблагополучными в криминогенном отношении. В ходе изучения причин удалось определить «болевы точки» сложившейся ситуации. По результатам изучения составили карту по установке камер видеонаблюдения. На средства, выделенные хокимиятом области, специалисты произвели монтаж 750 камер «ColorVu», позволяющих вести фото- и видеосъемку в ночных условиях. Система обеспечивает доступ инспекторам профилактики к информации о происходящем в темное время суток на участках подконтрольной территории, – говорит начальник отдела капитан Азизбек Саидов.

Следующим пунктом в плане мероприятий значится установка камер видеонаблюдения в людных местах, на объектах, в населенных пунктах, подверженных риску совершения правонаруше-



ний. Для этого специалисты изучили вопрос цифровизации системы «Общественная профилактика», интеграции в нее всех махаллей области. В настоящее время ведется разработка технического задания, определяется объем необходимых средств, изыскиваются источники финансирования.

По словам капитана А. Саидова, камеры видеонаблюдения будут подключены к единому центру управления. Это позволит собирать оперативную информацию, распределять и координировать силы и средства. Исходя из разработанной криминогенной карты региона установлены цифровые ретрансляторы и радиостанции «Hytera», работающие на ультракороткой волне. Между областной, районными и городскими дежурными частями налажена надежная связь на УКВ-диапазонах. Обеспечена радиосвязь между приграничными постами Алатского и Гиждуванского

районов. Инспекторы профилактики этих районов располагают мобильными средствами радиосвязи.

Большая работа также ведется в махалле имени Раззака Хамраева города Бухары, которая признана самой неблагополучной в криминогенном отношении. Реализуются меры по установке на въезде в махаллю и выезде из нее камер автоматической идентификации автомобильных номеров и водителей, а также интеграции в эту систему рабочих кабинетов инспекторов профилактики. Кроме того, все подъезды многоквартирных домов махалли снабжены кодифицированными замками. Подобный комплексный подход позволит обеспечить здесь общественную безопасность и правопорядок.

Мирзокул АХАДОВ,
соб. корр.

Бухарская область.



MUNAJJIMLAR BASHORATI

(9-15-oktabr)



Qo'y. Moliyaviy ishlarni yo'lga qo'yish va oilaviy byudjetni qayta ko'rib chiqish vaqti yetdi. Bu davrda daromadni orttirish uchun ajoyib imkoniyatlar mavjud. Anchadan beri kutib, axiri qo'l siltab qo'ygan joydan foydali va omadli taklif kelib tushishi mumkin. Har qanday ishga qo'l urishdan oldin «yetti o'lchab bir kesish» lozimligini unutmang.



Buzoq. Bu hafta sizga yaxshi kayfiyat va ruhiy ko'tarinkilik xamrohlik qiladi. Ish joyingizda (ayniqsa, u ijod bilan bog'liq bo'lsa) yangi-yangi yutuq va muvaffaqiyatlarga erishasiz. Asosiysi, o'zingizga bo'lgan ishonchni yo'qotmang, o'z nuqtai nazarinigizni himoya qilishdan cho'chimang. Dam olish kunlari hushyor va kuzatuvchan bo'lish talab etiladi.



Egizaklar. Hayotning deyarli barcha jabhalarida vaziyatlar sizga qarshi o'yin o'ynashi mumkin. Asl istagingiz o'zingizga aniq ma'lum bo'lmaguncha, maqsad sari intilish befoyda. Odamlar bilan munosabat qilish borasidagi ba'zi qarashlaringizni qayta ko'rib chiqing. Osoyishtalik va farog'at uyg'unligini buzmaslik uchun har qanday vaziyatda og'irroq bo'lishga harakat qiling.



Qisqichbaqa. Sizni his-hayajonga boy onlar va ruhan ta'sirlanish davri kutmoqda. Aslo taslim bo'lmang va hatto butun olam sizga qarshidek tuyulsa-da, umidsizlikka tushmang. Oqimga qarshi suzib, faqat ijobiy xislatlaringizni namoyon eting. Hafta so'ngiga borib barcha masalalar birin-ketin hal bo'lib, hotirjam dam olish imkoniyatiga ega bo'lasiz.



Arslon. Sizni bu hafta qiziqarli tanishuvlar va uchrashuvlar, maroqli sayr va safarlar, ko'pgina foydali va yoqimli muloqotlar kutmoqda. Hodisalar taxmin qilinmaganidek va jadal tus oladi. Omadni cho'chitib yubormaslik uchun hech narsani oldindan rejalashtirmang. Turli muammo va masalalarni ularning yuzaga kelishiga qarab hal qilib, «oqim bo'ylab suzish»ga harakat qiling.



Parizod. Bu hafta taqdir siz uchun kutilmagan tuhfalar va yaxshi xabarlar hozirlamoqda. Seshanba kunidan ko'pchilikning e'tibori markazida bo'lishni boshlaysiz, shuning uchun tashqi ko'rinishni tartibga keltirish uchun alohida vaqt ajrating. Taqdiringizni o'zgartirib yuboruvchi yoki ish faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatuvchi insonlar bilan tanishuvlar kuzatilishi mumkin.



Tarozi. Sizdagi faollik sezilarli darajada ortib bormoqda. Bundan o'z manfaatingiz yo'lida foydalanib qolishni ham unutmang. Bu davrda har qanday masalalar osonlikcha o'z yechimini topadi, shuningdek, mushkul vazifalarni tez orada yo'lga qo'yishga erishasiz. Shirinsuxanlik va boadablik bilan harakat qiling, shunda hech kim hech bir taklifingizni rad eta olmay.



Chayon. Bu hafta kasb-hunaringizga oid ishlar biroz to'xtab qolishi ehtimoli yuqori. Asosiysi, xavotir va sarosimaga tushmang. Buni shunchaki vaqtinchalik tanaffus, kuch to'plab olish uchun qo'shimcha davr deb qabul qiling. Bu kunlar sog'liqqa alohida e'tibor qaratishni ham unutmang.



O'qotar. Sizni sertashvish va behalovat hafta kutmoqda. Ba'zida o'ylash imkoniyati qolmagan tang holatlar ham yuzaga kelishi mumkin. Bu hafta vaqtingiz ziq bo'lishiga qaramay, ko'p narsaga ulgurishingizga to'g'ri keladi. Shuning uchun hamma ishni birvarakayiga boshlamasdan, barchasini reja bilan bosqichma-bosqich amalga oshirishga harakat qiling.



Tog' echkisi. Maishiy masalalar bilan bog'liq ba'zi mayda-chuyda ko'ngilsizliklarni hisobga olmaganda, bu hafta davomida o'zingizni tamoman baxtli inson deb hisoblaysiz. Oilaviy hayotingizni yengillatishga xizmat qiluvchi anchadan beri kutilgan orzu-niyatlar amalga oshishi mumkin. Ish faoliyatingizda ham ko'pgina yutuq va muvaffaqiyatlar kutilmoqda.



Qovg'a. Bu hafta salomatlik bilan bog'liq ba'zi muammolar yuzaga kelishi mumkin. Buning oldini olish uchun ham aqliy, ham jismoniy mehnatni me'yori-dan oshirmaslikka urining. Ushbu davrda moliyaviy yo'nalishdagi, ayniqsa, boshqa odamlar yoki hamkor sheriklar bilan bog'liq masalalarni imkon qadar ortga surib turing.



Baliq. Ushbu davr biroz yengil tortish, organizmga dam berish uchun qulay palladir. Har bir ishda «birinchi bo'lish» rolini vaqtincha sevimli va yaqin insonlarga topshirganingiz ma'qul. O'z nasihat va maslahatlaringiz bilan ularga halaqit qilmay, vaqtincha chetdan kuzatuvchi, minnatdor tinglovchi va boshqalarning qobiliyatini qadrlovchi insonga aylaning.



BOBO VA NABIRA



TEXNIKAGA ASIRMIZ

Kunlar o'tar, kunni quvib,
Osmono'par qasr qurdik.
Bo'lka nondek suvda uvib,
Texnikaga asir bo'ldik.

«Telegram», «Watsap» deymiz,
Sovuramiz umrimizni.
Ko'lankani maqsad deymiz,
Boda surib, goh qimizni.

Yozmagandim bu haqda she'r,
Tuyg'ularim botin emas.
«Tik-tok»i ham ayolga er,
Erkaklarga xotin emas.

Bolalar-chi o'yinqaroq,
Telefondir faqat ishi.
Mehr, diydor o'ldi, biroq,
«Megabayt»dir bor tashvishi.

Qotib qoldik robot misol,
Adashdimi yo kemamiz.
Tohir, Zuhro tushmi, xayol,
Internetda sevishamiz.

O'qish qoldi, o'lda-jo'lda,
Kitob, daftardan qochamiz.
«Test» savollar tushsa qo'lga,
Taxminlardan fol ochamiz.

Bu ketishda ahvol nima?
Ko'kka yetmaydi nolamiz.
Qazo kuni telefonda,
Yig'lab qolarmi bolamiz?!

O.O'SAROV,
7-son tergov hibsonasi
tartibot va qo'riqlash
bo'limi boshlig'i,
kapitan.

Samarqand viloyati.

INSON QADRI ULUG'

URUSH QATNASHCHILARIGA EHTIROM



O'qituvchi va murabbiylar kuni munosabati bilan Farg'ona viloyati IIB rahbariyati II Jahon urushida ishtirok etgan, urushdan keyingi yillarda ichki ishlar organlarida ishlab, ko'plab shogirdlarga ustozlik qilgan faxriylarni yo'qlab borishdi.

Jumladan, boshqarma rahbariyati oltiriqlik To'lanboy ota Shokirov hamda Rishton tumani Oq yer qishlog'ida yashovchi Mirzaahmad

ota Sulaymonovning xonadonida bo'lib, ularning biriga faxriy yoriq, ikkinchisiga «Ichki ishlar organlarining faxriy xodimi» ko'krak nishonini topshirishdi.

Faxriylar ehtiromdan boshlari osmonga yetib, keksalarga ehtirom ko'rsatayotgan Yurtboshimizga, IIV rahbariyatiga minnatdorlik bildirishdi.

O'z muxbirimiz.

Farg'ona viloyati.



MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchi –

Sarvar SOBIROV

Sahifalovchilar –

Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –

Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami
h/r 23402000300100001010.

Bank kodi 00014.

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya
vazirligi g'aznachiligi.

Shaxsiy h/v
470010860262877031101179001
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-
yozma va suratlar egasiga
qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosil-
ganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter
markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa
ijodiy uyi bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonada manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi
huzuridagi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligi
tomonidan 2020-yil 13-yanvarda
0120-raqam bilan ro'yxatga
olingan.

Buyurtma №V-5609.

Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma
taboq. 50451 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk
ko'chasi 9-uy.

